

Boqiy fikr

**Bu dunyoda
insonlarning dardu-
tashvishlarini o'ylab
yashash –
odamiylikning eng
oliy mezonidir.**

Shavkat MIRZIYOYEV



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 8-noyabr, chorshanba № 89 (9050)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЖИЗЗАХ ШАХРИДА ШАРОФ РАШИДОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватан-дошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Қадрли Жиззах аҳли!

Бугун барчамиз жонажон Ватанимиз ҳаётидаги улкан воқеа муносабати билан қадимий ва навқирон Жиззах шаҳрида тўпلامي турибмиз.

Шу кунларда ўзбек халқининг буюк фарзанди, атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи ва беназир инсон Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Кўп миллатли халқимиз бу улғу инсоннинг азиз номини ёд этиб, унинг ўлмас хотирасига чуқур ҳурмат ва эҳтиром бажо келтирмоқда.

Шароф Рашидов ўзининг ноёб ақл-заковати, бой билим ва тажрибаси, меҳнатсеварлиги ва камтарлиги, юксак инсоний фазилатлари билан нафақат Ўзбекистонда, балки узок-яқин ўлкаларда ҳам катта обрў-эътибор қозонган эди.

Бу улғу инсон, собиқ мустабид тузум даврида турли тазйик ва синовларга бардош бериб, халқимиз ва миллатимизга садоқат билан, ҳалол ва фидокорона хизмат қилди.

Умрининг сўнгги дақиқаларида ҳам далага бориб, захматкаш ўзбек деҳқонлари орасида бўлганини барчамиз яхши биламиз.

Шароф Рашидов оддий халқ орасидан чиққан, ҳақиқий юртпарвар раҳбар эди.

У киши бир умр ўзи каби содда ва камтарин одамларга елкадош бўлиб, уларнинг дарду ташвишлари билан яшади. Уларга хизмат қилишни ўз ҳаётининг маъно-маъмуни деб билди.

Ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам халқимиз манфаатини ўйлаб амалга оширган ана шундай савобли ишларини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди.

Минг афсуски, ҳаёт бу инсонга шундай мураккаб қисматни раво кўрдикки, у юрагидаги барча орзу-умидларини рўйбга чиқариш, ўз меҳнатининг ҳосилдан тўла баҳраманд бўлиш имконига эга бўлмади.

Аксинча, мустабид тузум ўзига садоқат билан хизмат қилган шундай улғу инсонни охири-оқибатда турли тўхмат ва маломатларга дучор қилди.

Шароф Рашидов вафот этиши билан унинг хотирасини ҳўрлаб, қабрини кўчирдилар, оила аъзолари, қариндош-уруғларини, дўстлари ва шогирдларини кувгин қилдилар. "Пахта иши", "Ўзбек иши", "Рашидовчилик" деган бўхтон гаплар билан у кишининг азиз номини, бутун халқимизни ёмонотлик қилдилар.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги вақтларда аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминлашни яхшилашга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, фармацевтика тармоғидаги ишларнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш тиббиёт муассасалари ва аҳолининг дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминланиши устидан тизимли мониторинг ва назорат, давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббиёт техникаси ҳолатининг лозим даражадаги ҳисоби ва таҳлили мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантиришнинг ягона стратегияси ишлаб чиқилмаган ҳамда маҳаллий фармацевтика корхоналарининг фаолиятини, шу жумладан тегишли маҳсулотларни аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш бўйича фаолиятини лозим даражада мувофиқлаштириш таъминланмапти.

Деярли тайёр маҳсулот бўлган импорт хом ашёсидан фойдаланган ҳолда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқаришнинг кенг тарқалган амалиёти ҳамда технологик жараёнларнинг паст даражада эканлиги юқори сифатли ва рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда.

Фармацевтика фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг ишлаб чиқарилиши, олиб кирилиши ва сотилишини мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) ташкил этилсин.

(Давоми 5-бетда.)

Марғилоннинг спортсевар ёшлари

Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мингдан зиёд ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.



Мактабнинг бокс, бадий гимнастика, баскетбол, енгил атлетика, дзюдо, трамполин, таэквондо (WTF), футбол, стол тенниси, сузиш каби секцияларида спорт машғулоти учун барча шароит яратилган. Мактаб ёшлари нуфузли

мусобақаларда совринли ўринларни эгалламоқда. Жумладан, жорий йилда қўл жанги бўйича тарбияланувчи Шаҳбоз Хайруллаҳжаев Руминияда ўтказилган мусобақада голиблик шохсупасини забт этди.

М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда

Илдизлари мустаҳкам дарахт кўкка буй чўзади. Тарихини билган, қадрлаган халқнинг мартабаси баланд, келажаги буюк бўлади.

Мамлакатимиз бутун дунёда ана шундай ҳурмат-эътибор қозонган. Ўтганлар руҳини шод этиш, хайрли ишларини эслаш ва улғулаш миллий қадриятимизга айланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартдаги «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бу борадаги

ишларнинг, миллий гурур-ифтихорнинг юксак намунаси бўлди.

6 ноябрь — Шароф Рашидов туғилган куни Жиззахда ушбу санага бағишланган тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Дастлаб эҳсон дастурхони ёзилиб, Куръон тиловат қилинди.

Жиззах шаҳри марказида ўрнатилган Шароф Рашидов Ҳайкалининг очилиш маросими бўлди.

(Давоми 3-бетда.)

**Konstitutsiya – mening
hayotimda**

8-бет

**Туркман талабалар
ихлоси**

10-бет

**Нодирбекнинг ютуғини жаҳон
тан олмақда**

15-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА ШАРОФ РАШИДОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Фақатгина мустақиллик даврига келиб, Биринчи Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов томонидан тарихий адолат тикланди — Шароф Рашидовнинг пок номи оқланди ва 75 йиллик таваллуд санаси юртимизда кенг нишонланди.

Биз бугун яқин тарихимизда бўлган ана шундай аянчли воқеаларни эслар эканмиз, мустақиллигимизнинг кадр-қимматини янада теран англаб етишимиз, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз шарт.

Шароф Рашидов республика раҳбари сифатида зиммасидаги улкан вазифаларга қарамасдан, ўзи бутун борлиги билан севган адабиётга ҳамisha содиқ қолди.

У ўзининг бетакрор истеъдоди билан эзгу қадриятларни тараннум этган роман ва қиссалар, шеър ва дostonлар, публицистик мақолалар яратди.

Рус тилини мукамал эгаллаган, бу тилда бадиий асарлар ёзиш салоҳиятига эга бўлган бу улкан адиб айнан ўзбек тилида ижод қилди. Шу тариха, ўша пайтдаги мураккаб идеологик тазйиқларга қарамасдан, миллий адабиётимиз, авваламбор, она тилимиз ривожига қўшган катта ҳиссаси ҳар томонлама ибратга муносибдир.

Шароф Рашидовнинг "Икки дил достони" деган гўзал асарини ҳаммамиз севиб ўқиганмиз. Менинг назаримда, чинакам севги ва садоқат достони бўлмиш бу асарда Шароф ака ва у кишининг меҳрибон рафиқаси, оқила ва мунис ўзбек аёли Хурсаной опанинг ибратли ҳаёти ва тақдири муҷассам бўлгандек туюлади.

Ҳақиқатан ҳам, бу матонатли аёл умр бўйи Шароф Рашидов билан ҳамнафас бўлиб, ҳаётнинг барча синовларига бардош бериб, энг оғир дамларда ҳам умр йўлдошига содиқ бўлиб яшади. Бундай бебаҳо фазилатлари билан бу муштипар опамиз халқимиз ўртасида чинакам вафо ва са-

доқат тимсолига айланди.

Шу ўринда яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтишни ўринли, деб биламан: Шароф ака ва Хурсаной опанинг берган таълим ва тарбияси, шахсий намунаси туфайли уларнинг оиласи, фарзандлари ўз ота-оналарига муносиб бўлиб, эл-юртга фидойилиги билан бу қутлуг хонадон номини доимо пок сақлаб келмоқда. Бундай хислатлар кўп миллатли халқимиз, юртимиздаги барча оилалар учун ҳар томонлама ўрнак ва ибратга лойиқ бўлган маънавий ҳодисадир.

Қадрли ватандошлар! Хурматли меҳмонлар!

Бугун биз ўзбек халқининг буюк фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирар эканмиз, унинг номи ва ҳаёти Ватанимиз, халқимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ эканига яна бир бор амин бўлмоқдамиз.

Шароф Рашидовнинг мураккаб, шу билан бирга, шарафли ҳаёт йўлида ўзбек халқининг XX асрдаги тақдири ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Улуғ Ватан уруши бошланиши билан у биринчилар қаторида фронтга отланди ва душман билан курашда ҳақиқий мардлик ва қахрамонлик кўрсатди. Оғир яраланганидан сўнг Ўзбекистонга қайтиб, бор куч ва ғайратини аямасдан, турли лавозимларда ишлади.

Шароф Рашидов ўта машаққатли йилларда Ўзбекистонга қайтиб чорак аср давомида раҳбарлик қилди. Унинг раҳнамолигида республикамиз иқтисодий тараққиёт, илм-фан, таълим ва соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида улкан муваффақиятларга эришди.

Минглаб гектар қаровсиз ерлар ўзлаштирилди. Ўзбекистон харитасида янги шаҳар ва қишлоқлар пайдо бўлди, юзлаб завод ва фабрикалар қурилди, боғу роғлар барпо этилди. 1966 йилдаги кўплаб вайронгарчиликлар келтирган zilзиладан сўнг қисқа муддатда замонавий Тошкентнинг мустаҳкам пойдевори яратилди.

Бугунги маросимда мамлакатимизнинг барча худудларидан Шароф Рашидов билан узоқ йиллар давомида бирга ишлаган вакиллар иштирок этаётгани бу тадбирга алоҳида руҳ ва маъно-мазмун бағишламоқда. Уларнинг орасида атоқли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, маданият ва санъат намояндalari борлигини таъкидлаш лозим.

Биз, шунингдек, Шароф Рашидовни яхши таниган ва яқиндан билган муҳтарам меҳмонларимизни самимий қутлашдан мамнунмиз.

Булар учувчи-космонавтлар — ватандошимиз Владимир Жонибеков ва Солижон Шарипов, таниқли селекционер олим Иван Кузьмин, Шароф Рашидов ҳақидаги қатор китоблар муаллифи, ёзувчи Фёдор Раззоқов ва бошқалардир.

Қадрли меҳмонлар, Шароф Рашидовнинг хотирасига бўлган ҳурмат ва эҳтиромингизни биз аввало бутун Ўзбекистон халқига бўлган ҳурмат ва эҳтиром ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Барчангизга самимий миннатдорлик билдириб, чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад тилайман.

Муҳтарам юртдошлар!

Бундан бир йил муқаддам халқимизнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, Шароф Рашидовнинг 100 йиллик таваллуд тўйини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш, у киши туғилиб каломлга етган мана шу заминда муҳташам ёдгорлик мажмуасини барпо этишга қарор қилган эдик.

Шу асосда Жиззах туманига Шароф Рашидовнинг муборак номи берилгани халқимиз томонидан катта хурсандчилик билан қутиб олинди.

Ўтган қисқа вақт давомида ушбу мажмуада Жиззах аҳли, бутун республикамиздан келган қўли гул усталар, қурувчи ва меъморлар, мутасадди ходимлар сидқидилдан меҳнат қилдилар. Натижада бу ёдгорлик мажмуаси табаррук зиёратгоҳга айланганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган барча-барча юртдошларимизга самимий миннатдорлик билдираман.

Шулар қаторида Шароф Рашидовнинг хотирасини абадийлаштириш, бу улуг инсон ҳақидаги тарихий адолатни тиклаш мақсадида янги илмий ва бадиий асарлар, мақола ва хотиралар ёзган, спектакль ва фильмлар, ҳайкаллар яратган ижодкор зиёлиларимизга ҳам чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Ишончим комил, бу гўзал масканга қадам қўйган ҳар бир одам, авваламбор, ёшларимиз Шароф Рашидовнинг нурли сиймосида мард ва матонатли халқимизга хос олижаноб фазилатларни кўргандек бўлади.

Бу улуг инсоннинг бетакрор тимсоли барчамизни Ватанни ҳақиқий фарзандлик меҳри билан севишга, унга ва ўзбек халқига садоқат билан хизмат қилишга даъват этиб туради.

Азиз дўстлар!

Ҳаммангиз яхши хабардорсиз, кейинги бир йил давомида юртимизнинг турли худудларида Ибрат домла, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф сингари улуг адилларимиз хотирасига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари, уларнинг номидagi ижод мактаблари барпо этилди.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида куни кеча Жиззах шаҳрида миллий адабиётимизнинг улкан намояндalari — Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига қўйилган муаззам ҳайкал очилди. Уларнинг номи билан аталган хиёбон, ижод мактаби ва музей ўз ишини бошлади.

Бор-йўғи ўттиз беш йил яшаб, адабиётимиз осмонида чакмоқдек чакнаган нодир истеъдод соҳиби Ҳамид Олимжон ва атоқли шоира Зулфияхонимнинг ҳаёт ва ижод йўли ёш авлодимиз учун ҳар жиҳатдан ибрат намунасидир.

Ана шу ижод маскани ёшларимиз, энг аввало, мунис ва лобар қизларимизнинг истеъдод ва

қобилиятини рўёбга чиқариш, уларни Зулфияхоним каби вафодор, доно ва оқила, ўз юртига садоқатли инсонлар этиб тарбиялашда мустаҳкам замин бўлади.

Бу маънавият кошонасининг эшиклари нафақат Жиззах вилояти, балки бутун мамлакатимиз ёшлари учун очикдир.

Бугунги маросимда иштирок этаётган сиз, азизлардан битта илтимосим бор: фарзандларимизни, айниқса, қизларимизни мана шундай гўзал масканларга кўпроқ олиб келсак, уларни адабиёт ва санъатнинг сирли дунёси билан ошно этсак, ўйлаيمانки, нур устига нур бўларди.

Мен ишонаман, ушбу тақлимимни Жиззах аҳли ва бутун халқимиз албатта қўллаб-қувватлайди.

Қадрли ватандошлар! Муқаддас китобларимизда, яхшиликнинг мукофоти фақат яхшилик эканига алоҳида урғу берилди.

Шароф Рашидов умр бўйи ўз халқига, барча соф ниятли инсонларга яхшилик қилиб, уларни улуг мақсадлар йўлида бирлаштириб, эзгу ишларга сафарбар этиб яшади.

Бу олижаноб, донишманд ва бағрикенг инсон, қандай суронли синовларга дуч келган бўлмасин, юксак гуманистик гоёларга доимо содиқ бўлиб, халқимиз қалбида яхши ном, сўнмас хотира қолдирди.

Бугун Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасига кўрсатилаётган чексиз эҳтиром, ҳурмат ва иззат бу фикримни яна бир бор яққол тасдиқлаб турибди.

Муҳтарам дўстлар, қадрдонлар!

Буюк арбоб, улуг инсон ўзбек халқининг атоқли фарзанди Шароф Рашидовнинг охиратлари обод бўлсин!

Азиз фарзандларининг хотирасини ардоқлаб, руҳларини шод этиб яшаётган халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимиз ҳамisha тинч, осмонимиз мусаффо, эл-юртимиз фаровон бўлсин! Ўзбекистонимиз учун раҳмат.

2017-yil 8-noyabr, № 89 (9050)

ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, адабиёт ва санъат намояндalари, вилоят аҳли, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган юртдошларимиз, чет эллик меҳмонлар, ёшлар иштирок этди. Шароф Рашидовнинг фарзандлари, дўстлари, ҳамкасblари, шоғирдлари ва бошқа ақинлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти, юксак инсоний фазилатлари, халқимиз манфаатлари йўлидаги буюк хизматлари ҳақида сўз юритди.

Шароф Рашидов 1917 йил 6 ноябрда Жиззах шаҳрида туғилган. Жиззах педагогика техникуми, Самарқанд давлат университетининг филология факультетида ўқиган. Фаолиятини Самарқанд вилояти газетасида бошлаб, билим ва қобилияти юксаклиги боис университетнинг охири курсида ўқиб юрган давридаёқ ушбу газетага муҳаррир бўлган.

Иккинчи жаҳон урушидан 1942 йил ярадор бўлиб қайтган. Ўттиз ёшида республиканинг ўша пайтдаги энг нуфузли наشري — «Кизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир этиб тайинланган.

Шароф Рашидов шоир, ёзувчи ва публицист сифатида танилган. Унинг «Чегарачи» достони, «Қаҳрим» шеърлар тўплами, «Икки дил достони» асари, «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин», «Ғолиблар» каби романлари шухрат қозонган. Атоқли адиб 1949 йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси бошқаруви раиси этиб сайланган.

У 1959 йил Ўзбекистон раҳбари этиб сайланганида эндигина қирқ ёшдан ошган эди. Шароф Рашидов бу юксак вазифада қарийб чорак аср фидойилик билан ишлади.

Бу жуда мураккаб, зиддиятли давр эди. Шароф Рашидов шундай шароитда ҳам халқига фарзандлик бурчини адо этди.

Мирзачўл, Қарши, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши, миллионлаб гектар қўриқ ерларда бог-роғлар ва озиқовқат экинларининг жой олиши узокни ўйлаб амалга оширилган эди. Бу майдонлар бугун ҳам халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Шароф Рашидов раҳбарлиги даврида Ўзбекистон харитасида Навоий, Зарафшон, Янгйер, Гулистон ва бошқа ўнлаб шаҳарлар пайдо бўлди. Республиканинг барча ҳудудида қурилиш ва ободончилик ишлари авж олди. Жуда кўп иншоотлар — заводлар, фабрикалар, шифохоналар, олий ўқув юртлари, йўллар, мактаблар қурилиши, конларнинг очилиши у кишининг номи билан боғлиқ.

Бу даврда пойтахтимиз Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Бу, айниқса, Тошкент zilзиласидан кейин янада чирой очди. Тошкент метрополитени, «Истиклол» санъат саройи, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Тошкент телеминораси пойтахтимизнинг кўрки ҳисобланади.

Шароф Рашидов нихоятда камтар, очиккўнги одам бўлган. Чўпон билан чўпондек, деҳқон билан деҳқон тилида гаплашган. Ҳар қандай шароитда одамларнинг қалбига йўл топа билган.

Атоқли давлат арбоби раҳбарлик борасида ҳам улкан мактаб яратган. У кишининг донолиги, дипломатлиги, одиллиги ва айна пайтда оддийлиги барча раҳбарларга намуна бўлган.

Шароф Рашидов ўта зиёли киши бўлган. Фарзандларига ҳам пухта сабоқ берган. У кишининг фарзандлари, неварачеваралари турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.

Шароф Рашидов вафотидан кейин республиканинг иқтисодий тараққиёти сустлашди. Бу аввало ўша пайтдаги нотўғри сиёсат, қолаверса, халқ обрўли, тажрибали йўлбўшчини йўқотганининг оқибати бўлди. Кўчли раҳбарсиз, ҳимоячисиз қолган юртимиз ёвуз тажриба майдонига айлантилди.

Албатта, у ўз даврининг фарзанди эди, ўша пайтдаги тузумга хизмат қилди. Аммо дунёдан ўтганида бу тузум унга хиёнат қилди. Хотирасини таҳқирлади, ақинларини таъқиб этди.

Республика раҳбарлигига Исом Каримов келгач, барча тўхмат ва таъқибларни тўхтатди. Тарихий адолат тикланди. Унинг пок номи оқланди. Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 1992 йил Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги кенг нишонланди.

Шавкат Мирзиёев маросимдаги сўзида яхшилиқнинг мукофоти фақат яхшилиқ эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг эътибори билан элу юртимизга меҳнати синган инсонларнинг ҳурмати жойига қўйилмоқда. Кейинги бир йилда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Тошкент ва Самарқандда Исом Каримов, Наманган вилоятида Исҳоқон Ибрат, Хоразм вилоятида Комилжон Отаниёзов, Қорақалпоғистонда Ибройим Юсупов, Фарғонада Эркин Воҳидов, Қашқадарёда Абдулла Орипов, Андижонда Муҳаммад Юсуф хотиралари абадийлаштирилди. Уларнинг номи билан аталадиган марказлар, ижодий мактаблар ташкил этилди. Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуаси очилди.

Юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги нишонлани-

ши халқимизни беҳад қувонтирди.

Жиззахда бу воқеага катта тайёргарлик кўрилди. Вилоят марказида Шароф Рашидов хибони янгидан барпо этилди. 3 гектардан зиёд майдон қўқаламзорлаштирилди. Худудга Бельгиядан келтирилган тоғ қарағайи, қорақайин, лола дарахти каби 20 дан ортиқ дарахт турлари экилди. Диаметри 24 метр бўлган рангли фаввора қурилди.

Хибон тўрида кўр тўқиб турган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ҳам реконструкция қилинди. Унинг икки томонида жойлашган «Бўстон» ва «Наврўз» мажмуалари тўла таъмирланиб, йирик анжуманлар ўтказиш учун қулай шароитлар яратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги О.Салимов, меҳнат фахрийси И.Жўрабеков, учувчи-космонавт В.Жонибеков, меҳнат фахрийси Қ.Камалов, академик С.Рашидова Шароф Рашидов билан боғлиқ хотиралари, у кишининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлади.

Шароф Рашидов ҳайкалини Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ва Шароф Рашидовнинг қизи Сайёра Рашидова очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳдиёси янгради.

Шароф Рашидов ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Шавкат Мирзиёев юбилей арасида қуриб битказилган Шароф Рашидов мемориал музейида бўлиб, бу ерда яратилган шароитлар ва экспонатлар билан танишди.

Музейга кираверишда Президентимизнинг «Ҳеч шубҳа йўқки, Шароф Рашидов номини ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидойий фарзанд эди», деган сўзлари битилган. Бинонинг ички ва ташқи қисми миллий меъморичилигимиз анъаналари асосида безатилиб, анжуманлар залида Шароф Рашидов фаолиятига доир фильмларни намойиш этиш имконияти яратилган.

Музейда атоқли давлат арбоби ва ёзувчининг ҳаёт йўли ва ижодига дахлдор 2 минг 700 дан ортиқ экспонат бор. Улар Шароф Рашидовнинг болалик даври, таллалик йиллари, муҳаррирлик даври, Ўзбекистонда чўл ва қўриқ ерларни ўзлаштириш, бунёдкорлик жараёнидаги фаол иштироки, ижтимоий-сиёсий ва адабий фаолияти ҳамда бошқа мавзуларга бағишланган ўнла бўлимга ажратилган.

Музей ёнига Шароф Рашидов худудларга сафарлари чоғида фойдаланган поезд вағони ўрнатилган. Ундаги шароит ва буюмлар асл ҳолича сақланган.

Музей Шароф Рашидов ҳақида тўлиқ маълумот берадиган, у кишининг руҳини сезадиган жой бўлиши керак, деди давлатимиз раҳбари. Бу ерга ўқувчи-ёшларнинг мунтазам ташрифини йўлга

қўйиб, турли тадбирлар ўтказиш зарур.

Шавкат Мирзиёев мемориал музей фахрий меҳмонлар китобига ўз фикр ва таассуротларини ёзиб қолдирди. Унда шундай сўзлар бор: «Халқимизнинг буюк фарзанди, атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов эл-юртимиз учун фидойий раҳбар, бетақрор ва беназир шахс эди...»

Ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам эл-юртимиз манфаатини ўйлаб яшаган Шароф Рашидовнинг буюк хизматлари халқимиз хотирасида абадий сақланиб қолади.

Бугун Жиззах шаҳрида иш бошлаётган Шароф Рашидов мемориал музейи ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади, деб ишонаман».

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 27 апрелда Жиззах вилоятига ташрифи давомида улкан шоирлар Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг адабий меросини кенг тарғиб қилиш, асарларидаги эзгу тушунчалар ҳоҳиятини ёшларга етказиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия хибони, икки шоир номи билан аталувчи ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ҳамда музей халқимизнинг ардоқли фарзандларига кўрсатилган улкан эҳтиром намунаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги «Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидagi она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан мазкур мактаб-интернат учун 4 қаватли замонавий бино қуриб битказилди. Бу ерда яратилган замонавий шароитлар, 100 ўринли ётоқхона, ошхона, фоллар зали ўқувчиларнинг муносиб таълим олишига хизмат қилади.

Жиззах шаҳридаги тарихий Хўжа Нуриддин мадрасасида адабиётимизнинг улкан намояндalари Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг адабий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида музей ташкил этилди. Бунинг учун мадраса биноси тубдан таъмирланиб, тарихий кўриниши тикланди. Мадрасанинг гўмбаз қисми сирланган қошин билан қопланди.

Музей экспозицияси мазмуни Президентимизнинг «Буюк келажимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз» асари ҳамда Ҳамид Олимжон ва Зулфия хибони, улар номи билан аталувчи мактаб-интернат ташкил этиш бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари асосида шакллантирилган.

(Давоми 4-бетда.)

ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

(Давоми. Боши 3-бетда.)

Давлатимиз раҳбари Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги хиёбон атрофини янада ободонлаштириш, музей фаолиятини такомиллаштириш, мактаб-интернат моддий-техника базасини мустақамлаш бўйича топшириқлар берди. Шоирлар ҳайкали пойига гул қўйди.

Атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Жиззах вилояти мусиқали драма театри ҳам замонавий талаблар даражасида реконструкция қилинди.

Бу ерда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари жараёнида театр биносининг олд қисмига замонавий қоплама ва витраж ўрнатилди, йўлакларга керамик плиталар ётқизилди. Бино олдида фусункор фаввора, яшил майсазор бўш этилиб, худудга ноёб манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди.

Бинонинг иситиш тизими, ҳаво алмаштириш, электр, ичимлик суви тармоқлари янгиланди. 550 ўринли томоша залидаги ўриндиқлар, сахнани ёритиш, овоз кучайтириш ускуналари янгисига алмаштирилди, грим хоналарида зарур шарт-шароит яратилди.

Президентимиз театр биноси билан танишар экан, ушбу замонавий санъат даргоҳи Шароф Рашидовнинг қутлуғ таваллуд санаси нишонланаётган кунда Жиззах вилояти халқига катта тўхфа бўлганини таъкидлади.

Мазкур санъат қошонаси фаолиятини вилоятнинг олис туманларида яшовчи одамлар ҳам сезиши керак, деди Шавкат Мирзиёев. Бунинг учун театр ижодий жамоаси салоҳиятини юксалтириш, бугунги замон даражасидаги сахна асарларини қўйиш устида ишлаш зарур. Шу орқали одамларнинг театрга қизиқишини ошириш, уларнинг маънавиятини тарбиялаш лозим.

Театрнинг вилоят маънавий-маърифий ҳаётидаги ролини ошириш ҳамда самарали ишлашини ташкил этиш мақсадида 2018 йилга мўлжалланган намунавий дастур тузиш бўйича кўрсатмалар берилди. Бу дастурда ижодкорлар-

ни қўллаб-қувватлаш, улар учун 7 қаватли уй-жой қуриш, актёр ва режиссёрларнинг малакасини ошириш, театрдаги ижодий муҳитни вилоятдаги мусиқа ва санъат мактабларига ҳам ёйиш каби масалалар эътиборга олинди.

Куннинг иккинчи ярмида Жиззах вилояти мусиқали драма театрида атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги бағишланган хотира кечаси ва концерт дастури бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Унда сенатор ва депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи-шоирлар, маданият ва санъат намояндалари, адабнинг авлодлари, фахрийлар, ёшлар, адабиёт ихлосмандлари қатнашди.

Шароф Рашидов атоқли давлат арбоби бўлиш билан бирга, улкан сўз санъаткори, моҳир таржимон, инсон қалбининг зукко bilimdonи эди. Унинг ёшлик, баҳор, гўзаллик, эзгулик, Ватан меҳри тараннум этилган асарлари халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Хусусан, «Кашмир кўшиғи», «Икки дил достони», «Дил амри» каби асарлари миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб жой олган, қатор асарлари асосида бадиий фильмлар суратга олинган, спектакллар сахналаштирилган.

Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимиз микёсида катта тантана билан нишонланмоқда. Бу тадбирларда халқимизнинг улуг адабни қанчалар ардоқлаши, унинг ижодий мероси, одамлар дардига малҳам бўлишдек ўзбекона сифатлари ва фазилатларини қадрлаши намоён бўлмоқда.

Бу адабнинг 100 йиллик юбилейга бағишлаб ўтказилган хотира кечаси концертида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди. Унда юртимиз санъат усталари томонидан миллий ашула ва рақслар, жаҳон санъатининг энг сара асарларидан намуналар ижро этилди.

Ушбу куй-қўшиқлар қалбларда Ватанга муҳаббат, ҳаёт сурури туйғуларини жўш урдирди. Шароф Рашидов сўзи билан айти-

лувчи «Оламда гуллар яшар», «Ватан фидойиларига», «Дугоналар», «Ёр келур» кўшиқлари, Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг «Ўзбекистон», «Ёшлик чоғимда», «Кел, ассалом» шеърларига бас-таланган тароналар, халқ ашуллари, жаҳон санъатидан ижро этилган ария ва композициялар тингловчиларга бир олам завқ бағишлади.

Саҳна ортидаги улкан мониторда донишманд инсоннинг болалик ва ёшлик даврлари, уни вояга етказган ота-онаси сиймолари, Шароф Рашидовнинг она Ватанимиз, халқимиз ғурурини кўтариш, юртимизни обод этиш йўлида бутун борлигини бағишлаган ҳаёти Президентимиз раҳнамолигида ардоқли адиб номи абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар, бугунги дорилмомон ҳаётимиз акс эттирилган лавҳалар намойиш этилади.

Буларнинг барчаси ўз элига ва Ватанига фидойи инсоннинг халқимиз юрагидан муносиб жой олгани ва меҳрига сазовор бўлгани намоён қилади.

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечалари, маънавий-маърифий тадбирлар мамлакатимизнинг барча худудлари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда давом этмоқда.

7 ноябрь куни Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида «Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни» мавзuida илмий конференция ўтказилади.

«Жиззах» эркин иқтисодий зонасида Франциянинг «Пежо Ситроен» гуруҳи билан ҳамкорликда автомобиль заводи барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилоятига ташрифи давомида мазкур замонавий корхона қурилиши билан танишди.

Президентимизнинг 2017 йил 13 июндаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги «Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» корхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги қаро-

рига мувофиқ, «Ўзавтосаноат» АК ва Peugeot Citroen Automotive гуруҳи ўртасида эришилган келишув асосида барпо этилаётган ушбу қўша корхона Ўзбекистон автомобиль саноатининг истиқболига хорижлик ишбилармонларнинг катта ишончи самарасидир.

Заводда йўловчи ва юк ташишга мўлжалланган «Пежо Эксперт» ва «Пежо Боксер» тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш режалаштирилган. 600 иш ўрни яратилган корхона 2019 йил махсулот ишлаб чиқара бошлайди.

Йилига 16 минг донга замонавий автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга корхона махсулоти ички бозордан ташқари МДХ мамлакатлари, Эрон, Франция ва бошқа давлатларга экспорт қилинади.

Президентимиз қурилиш ишларини жадаллаштириш, сифат ва самарадорликка алоҳида эътибор қаратиш юзасидан тегишли топшириқлар берди. Шавкат Мирзиёевга бу ерда ишлаб чиқариладиган автомобиллар намуналари намойиш қилинди.

Шу ерда Марказий Осиёдаги энг йирик ойна ишлаб чиқариш заводи тақдимоти ҳам ўтказилди.

«Жиззах» эркин иқтисодий зонасида барпо этилаётган шишага чуқур ишлов бериш ва йирик ўлчамдаги шиша махсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 110 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Хитойнинг «Минъюань силу» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилаётган корхонанинг биринчи навбатини 2019 йил якунигача фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. 2019 йил сентябрь ойида корхона тўла қувватда ишлаб бошлайди.

Президентимизга «Ўзқурилиш-материаллари» АЖ томонидан Жиззах вилоятида 2017-2018 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Анвар САМАДОВ,
Абубақр ҲУРОЗОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Умар АСРОРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Олимлар Шароф Рашидовни хотирлади

Тошкентда «Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни» мавзuida илмий анжуман ўтказилди. Унда таниқли олимлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, чет эллик меҳмонлар, шоир-ёзувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев очиб берди. Шароф Рашидов салкам чорак аср Ўзбекистонга раҳбарлик қилди. Унинг сазой ҳаракатлари билан юртимиз иқтисодий, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида ютуқларни қўлга кирит-

ди. Минглаб гектар чўл ва қўриқ ерлар ўзлаштирилди. Янги шаҳар ва қишлоқлар барпо этилди, боғу роғлар, завод ва фабрикалар барпо этилди. Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда метрополитен қурилди. Шароф Рашидов, шунингдек, ўзбек адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшган забардаст

ёзувчи ва шоир эди. Хусусан, ижодкорнинг юрта муҳаббат, дўстлик ва садоқат каби инсоний фазилатлар юксак бадиий маҳорат билан ифодаланган «Кашмир кўшиғи», «Икки дил достони» асарлари жаҳоннинг 56 тилига таржима қилинган.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиклари О.Салимов, И.Искандаров, Б.Назаров, А.Аскарлов, таниқли олим И.Кузьмин, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, тарих фанлари доктори Қ.Ражабов, Шароф Рашидов ҳақидаги қатор китоблар муаллифи, ёзувчи Ф.Раззо-

қов ва бошқалар шулар ҳақида сўзлаб, халқимизнинг содиқ фарзанди ҳақидаги хотиралар билан ўртоқлашди.

Шу кунларда таълим муассасалари, маҳаллаларда, давлат ва жамоат ташкилотларида Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари бўлиб ўтмоқда. Жиззах шаҳрида унинг ҳайкали очилди. «Халқимизнинг оташқалб фарзанди» номли китоб, танланган асарлари тўплами нашр этилди, ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартдаги «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида амалга оширилган шу каби эзгу ишлар халқимизнинг атоқли фарзанди хотирасига кўрсатилган эҳтиромнинг олий даражаси эканлиги анжуманда алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Юнусходжаев иштирок этди.

Малоҳат ҲУСАНОВА,
ЎЗА мухбири

2017-yil 8-noyabr, № 89 (9050)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат марказини;

Ўзбек кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институтини; Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтини;

"Шарқ табобати" илмий-тадқиқот институтини Агентликка бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Куйидагилар Агентлиkning асосий вазифаларини этиб белгилансин:

фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантириш стратегиясини, шу жумладан давлат-хусусий шерикликни жорий этиш орқали ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш, фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ҳамда тиббиёт техникалари билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш;

фармацевтика бозори конъюктурасини ўрганишни ташкил қилиш, ички ва ташқи бозорларда юқори сифатли, рақобатбардор дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ҳамда уларни жаҳон бозорига олиб чиқишга кўмаклашиш;

аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари, шу жумладан уларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилган турлари билан таъминланганлик ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, шу асосда ички бозорни янада тўлдириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; фармацевтика тармоғи корхоналарининг асбоб-ускуналарини модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашга кўмаклашиш, чет эл инвестицияларини, шу жумладан хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағларини кенг жалб қилиш;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларни янада жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишлари ўтказилишини ташкил этиш;

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатини та-

комиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда, шунингдек, уларга қатъий нархларни ўрнатиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва кириштида бевосита иштирок этиш;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етакчи чет эл фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликни ташкил этишга кўмаклашиш;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини маҳаллий ишлаб чиқарилган махсулот деб топиш учун мезонларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида фойдаланилаётган тиббиёт техникаларининг ҳисоби ва реестри юритилишини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳолатини таҳлил қилиш;

давлат соғлиқни сақлаш муассасалари учун дори воситалари, тиббиёт буюмлари, тиббиёт техникалари ва махсус тиббиёт автотранспортининг марказлаштирилган харидини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихоналари (кейинги ўринларда ижтимоий дорихоналар деб юритилади) тармоғини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш;

фармацевтика тармоғига халқаро стандартларнинг жорий этилишини мувофиқлаштириш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик мустақил юридик шахс ҳисобланади, ўз балансига, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга эга бўлади;

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланган дора ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан бошқарилади;

Агентлик директорининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лавозимга тайинланган дора ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарлари бўлади;

Агентлик директори мақоми, маиший, тиббий ва транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади;

Агентлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Агентликка куйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат органлари ва бошқа

ташкилотларнинг мамлакат фармацевтика тармоғини ривожлантиришни назарда tutuvchi комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари бўйича ишени мувофиқлаштириш;

Агентлик ваколатига тааллуқли бўлган масалалар бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан ҳужжатлар, статистик маълумотлар, ҳисоботлар, тахлилий материаллар, хулосалар ва бошқа ахборотларни сўраш ва олиш; дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини, шу жумладан чет элдан импорт қилинаётганларини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва сертификатлаш;

Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтилари, илмий-таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, чет эл компанияларининг юқори малакали ходимларини ва мутахассисларни жалб қилиш;

фармацевтика тармоғини ривожлантириш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан тўғридан-тўғри маълумот алмашиш;

фармацевтика тармоғининг эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш ва фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, уларни бошқариш масалаларини келишиш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, ахборот материалларини, даврий нашрлар ва бошқа босма махсулотларни чиқариш ҳамда тарқатиш;

фармацевтика корхоналарини GMP қондаларига мувофиқлиги юзасидан сертификациядан ўтказиш;

фармацевтика тармоғи мутахассисларининг малакасини ошириш.

6. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ўн кун мuddатда:

Агентлиkning ташкилий тузилмасини, Агентлик марказий аппарати ва унинг худудий бўлинмалари ташкилий шарт тузилмасини;

Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Агентлик фаолиятини молиялаштиришга маблағларни 2017 йилда асосланган кўрсаткичлар бўйича аж-

ратсин ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларида назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ҳафта мuddатда Агентлиқни унга юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бино билан таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикасининг Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентлиқни белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

10. Куйидагилар:

а) "Ўзфармсанот" ДАК аъзоларининг қонцен мулкчи ва бошқа товар-моддий бойлиқларини Агентликка ўтказиш билан уни тугатиш тўғрисидаги;

б) Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "O'zmedeksport" республика ташқи иқтисодий давлат корхонасини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг "O'zmedimpeks" давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда "O'zmedimpeks" ДУК деб юритилади) этиб қайта номлаш;

"Ўзмедлизинг" АЖнинг устав капиталдаги давлат улushi "O'zmedimpeks" ДУКга давлат улushi бўйича акциядор функциясини берган ҳолда оператив бошқарувга бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Белгилаб қўйилсинки, "O'zmedimpeks" ДУК:

молиялаштириш манбасидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган рўйхат бўйича ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, давлат соғлиқни сақлаш муассасалари учун тиббиёт техникалари ҳамда махсус тиббиёт автотранспортининг ягона етказиб берувчиси, шунингдек, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича агент;

халқаро молия институтиларининг кредитлари, грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида дори воситалари, тиббиёт буюмлари, тиббиёт техникалари ва махсус тиббиёт автотранспортининг хариди бўйича тендер комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

12. Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "O'zmedimpeks" ДУК, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, ви-

лоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2018 йил 1 январга қадар мuddатда ижтимоий дорихоналарни давлат соғлиқни сақлаш муассасалари (туман, шаҳар) тиббиёт бинолари, қишлоқ оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари), давлат мулкда бўлган бўш турган бино ва иншоотлар негизда 2018 йил 1 декабрга қадар мuddатда зарур ҳолларда капитал-таъмирлаш ишларини ўтказиб, кейинчалик уларнинг ҳамма жойда фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳолда жиойлашувини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги 2017-2018 йилларда ижтимоий дорихоналарни тасдиқланган нормативларга мувофиқ равишда жиойлашувини тасдиқласин.

13. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси билан биргаликда "O'zmedimpeks" ДУК буюртмалари бўйича давлат мулкчи бўлган иншоотлардан ва бошқа мулклардан бера-раз фойдаланишга, шу жумладан ижтимоий дорихоналар ташкил этиш учун тақдим қилишни таъминлаб борсин;

Қорақалпоғистон Республикасининг бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари ҳисобидан ижтимоий дорихоналарни капитал таъмирлаш, шунингдек, муҳандислик инфратузилмаларини жиойлаштириш, худудларини ободонлаштириш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга маблағлар ажратсин.

14. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2018 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурида ижтимоий дорихоналарнинг қурилиши ва реконструкция қилиниши учун тасдиқланган ва экспертизадан ўтказилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ марказлаштирилган капитал маблағлар лимитларини ажратишни назарда тутсин.

15. Ўзбекистон Республикасининг Президенти 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2647-сон қарори билан ташкил этилган Даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари билан таъминлашни назорат қилиш республика комиссиясининг функцияларини Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлигига юклаган ҳолда тугатилсин.

(Давоми 6-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОГИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 5-бетда.)

Белгилансинки, Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатида киритилган дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари учун қатъий нархлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "O'zmedimpeks" ДУКнинг Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси билан келишилган таклифлари га кўра белгиланади.

16. "O'zmedimpeks" ДУК 2023 йил 1 январга қадар барча турдаги солиқ ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар тўлашдан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бююртмалари бўйича дори воситалари, тиббиёт буюмлари, тиббиёт техникалари ва махсус тиббиёт автотранспорти етказиб бериш шартномалари юзасидан божхона тўловлари (божхона расмиёлаштириши учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини рўйхатга олиш, нархини белгилаш тартибини такомиллаштиришни,

қонунчиликка "in bulk" махсулотнинг аниқ белгиланган тушунчасини киритишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг қатъий нархини, шунингдек, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг тартибга солинади-гарни нархларини белгилаш тартибини тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини уларнинг халқаро ва миллий стандартларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқарилган махсулотлар деб топилш мезонларини тасдиқлаш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини маҳаллий ишлаб

чиқарилган махсулотлар деб топилш мезонларини тасдиқланган кундан бошлаб дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини маҳаллий ишлаб чиқарилган махсулотлар деб топилш нуқтаи назардан уларнинг ишлаб чиқарилишини технологик аудитдан ўтказсин;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини олиб кириш бўйича ягона логистика марказини ташкил этиш юзасидан таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида яратилган лойиҳаларни бажариш гуруҳлари фаолиятининг самарадорлигини ўргасин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фаолияти ва тузилмаси танқидий қайтадан қўриб чиқилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Мазкур ишлар жараёнида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетни шаклланти-

риш, тақсимлаш ва бюджет маблағларини сарфлашдаги мустақиллигини оширишни инobatта олган ҳолда соғлиқни сақлаш идоралари ва муассасаларининг молиялаштириш тизimini тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

19. "O'zmedimpeks" ДУКга олиб кирилаётган дори воситалари, тиббиёт буюмлари, тиббиёт техникалари ва махсус тиббиёт автотранспортларини "O'zmedimpeks" ДУК раҳбарияти томонидан уларни сақлаш туришининг зарур шарт-шароитларини таъминлаш бўйича мажбуриятларни қабул қилган ҳолда "вақтинча сақлаш" ва "божхона оմбори" божхона режими остида шахсий ҳамда ижарага олинган оմборларга жойлаштиришга истисно тариқасида рухсат берилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси бир ой муддатда "O'zmedimpeks" ДУКга Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Э.Мараимов кўчаси, 50-уйда жойлашган божхона оմборининг бино ва иншоо-

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 7 ноябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фармацевтика тармоғини бошқариш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига шарҳ

Кейинги бағларда аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминлаш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, ўтказилган ўрганишлар мазкур соҳада маҳаллий фармацевтика тармоғининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган айрим тизимли камчиликлар сақлашни қўлаётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, бугунги кунга қадар фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантиришининг ягона стратегияси ишлаб чиқилмаган ҳамда маҳаллий фармацевтика корхоналарининг фаолиятини, шу жумладан тегишли махсулотларни аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш бўйича лозим даражада мувофиқлаштириш таъминланмаган.

Оқибатда бугунги кунда тармоқдаги маҳаллий корхоналар юқори сифатли ва рақобатбардош фармацевтика махсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш имконига эга эмас.

Масалан, "Ўзфармсанот" давлат акциядорлик концерни таркибига кирувчи корхоналар умумий сонининг 19 фоизи фаолият юритмаяпти, 30 фоизининг ишлаб чиқариш фаолияти тайёр махсулотни қадоқлаш, ўраш ва ёрлик ёпиштириш билан чегараланган.

Ҳозирги вақтда дори ишлаб чиқариш учун импорт қилинаётган хом ашё умумий сонининг 23,4 фоизи тайёр махсулот ҳисобланади.

Маҳаллий фармацевтика корхоналарининг илмий-тадқиқот ишларини

ўтказишга бўлган манфаатдорлиги мавжуд эмаслиги оқибатида "Ўзфармсанот" концерни корхоналари томонидан рўйхатдан ўтказилган асл дори воситаларининг улуши бор йўғи 1,3 фоизни ташкил этади.

Тармоқдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминлаш тизimini янги босқичга кўтариш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фармацевтика тармоғини бошқариш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан мазкур махсулотлар нархини белгилаш механизмларини такомиллаштиришга, фармацевтика санати корхоналари фаолиятини тартибга солишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилди.

Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Шу билан бирга, "Ўзфармсанот" концерни тугатилмоқда.

Агентликка фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантириш стратегиясини, шу жумладан давлат-хусусий шерикликни жорий этиш йўли билан ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фармацевтика корхоналари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ҳамда тиббиёт техникалари билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш бўйича вазифалар юклатилди.

Шу билан бирга, Агентлик дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини, шу жумладан чет элдан импорт қилинаётганларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва сертификатлаштириш, фармацевтика корхоналарини тегишли ишлаб чиқариш амалиёти халқаро қоидаларга мувофиқлигини сертификатлаштиришни амалга оширади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази, Ўзбек кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти, "Шарқ табобати" илмий-тадқиқот институти Агентлигининг тасарруфига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "O'zmedeksport" давлат корхонаси "O'zmedimpeks" давлат унитар корхонаси этиб қайта номланиб, Агентлигининг тасарруфига ўтказилди. Бунда "O'zmedimpeks" Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг ягона етказиб берувчиси этиб белгиланди, шунингдек, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича агенти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПК-2647-сон қарори билан ташкил этилган Даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари билан таъминлашни назорат қилиш республика комиссияси унинг функцияларини Ўзбекистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юклаган ҳолда тугатилди.

Эндликда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари учун қатъий нархлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Фармонда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини рўйхатга олиш, нархини белгилаш тартибини такомиллаштириш, қонунчиликка "in bulk" махсулотнинг аниқ белгиланган тушунчасини киритиш, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг қатъий нархини белгилаш тартибига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини уларнинг халқаро ва миллий стандартларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқарилган махсулотлар деб топилш мезонлари, шунингдек, давлат соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда давлат мулкида бўлган бўш турган бошқа бино ва иншоотлар неғизда ижтимоий дорихоналарнинг жойлашуви тасдиқланади.

Умуман олганда, мазкур Фармон фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, шу жумладан маҳаллий дори воситаларининг халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқарилишини изчил йўлга қўйиш, асл фармацевтика ишланмаларини кўпайтириш, шунингдек, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг арзон ва сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжининг тўлиқ қаноатлантирилишини таъминлайди.

2017-yil 8-noyabr, № 89 (9050)

ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2017 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙДАГИ ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

2017 йил 7 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг жорий йил 9 ойидаги ижросини кўриб чиқдилар.

Даставвал сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси соҳага оид кўмитасининг мажлисларида ушбу масаланинг дастлабки муҳокамалари ўтказилган эди.

Мажлисда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусига кўра ишлаб чиқилган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш натижасида, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини бажара бориб, иқтисодиётнинг барқарор, юқори суръатлар билан ривожланиши ҳамда ўсиши таъминланди. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатлари сақлаб қолинди, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг янада мутаносиб ривожланиши учун мустаҳкам замин яратилди.

Илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда пул-кредит сиёсати янада такомиллаштириш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жадал жалб қилишга, экспорт салоҳиятини оширишга, замонавий, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш чоғида тенг шароитлар яратилишига имкон берди.

Бюджетлараро муносабатларнинг ва солиққа оид маъмуриятчиликнинг замонавий механизмлари жорий этилаётганлиги қайд этилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳоқи-

мияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг аҳамияти таъкидлаб ўтилди. Аҳолининг реал даромадларини, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, республика бюджетидан молиялаштиришга бўлган боғлиқликни камайтириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркинлигини кучайтириш мақсадида ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг барқарор молиялаштирилишини таъминлаш мамлакатимиз бюджет сиёсатининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Натижада ҳисобот даврида маҳаллий бюджет даромадларининг 503,8 миллиард сўм миқдоридagi ёки 2016 йилнинг 9 ойига нисбатан 3,9 баравар кўп қўшимча манбалари шакллантирилди.

Ҳисобот даврида Давлат бюджетини ҳаракатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақланиб қолди. Ижтимоий соҳани молиялаштириш учун ҳаракатлар умумий ҳажмининг 54,8 фоизи миқдоридa маблағ ажратилди.

Депутатлар шуни алоҳида қайд этиб ўтдиларки, ҳисобот даврида таълим тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга, таълим жараёни даражаси ҳамда сифатини оширишга қаратилган таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштиришга, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилди. Хусусан, халқ таълими муассасаларини сақлаш ва ривожлантириш ҳаракатларини молиялаштиришга Давлат бюджетидан 11,5 триллион сўмдан ортик ёки ижтимоий соҳага ажратилган умумий маблағларнинг 59,5 фоизи миқдоридa маблағ ажратилди.

Маълумки, Қонунчилик палатаси соғлиқни сақлаш тизимини сифатли

ислох қилиш жараёнида бевосита иштирок этмоқда. Шу боис, депутатлар тиббиёт муассасаларини молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги турли Давлат дастурларини бажаришга доир чора-тадбирлар туфайли Давлат бюджетидан 5,2 триллион сўм ёки ижтимоий соҳага йўналтирилган умумий ҳаракатларнинг 26,9 фоизи миқдоридa маблағ ажратилганлиги таъкидланди. 2016 йилнинг ҳисобот даврида соғлиқни сақлашга йўналтирилган ҳаракатлар 4,2 триллион сўмни ёки ижтимоий соҳадаги ҳаракатларнинг 24 фоизини ташкил этган эди. Депутатлар томонидан мамлакат раҳбарининг соғлиқни сақлаш соҳасига юқори эътибори туфайли аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни сифат жиҳатидан яхшилаш мақсадида барча режалаштирилган тадбирлар ўз вақтида молиялаштирилаётгани айтиб ўтилди.

Соҳадаги мавжуд муаммолар комплекс тарзда ечиб борилмоқда. Жумладан, беморларни зарур дори воситалари билан таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Аҳолини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш учун Давлат бюджетидан 275 миллиард сўм ажратилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 баравар кўпдир. Хусусан, ҳисобот даврида дори-дармонлар учун сарфланган ҳаракатлар ўтган молиявий йилнинг худди шу даврига нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида 1,5 баравар, Сурхондарё вилоятида эса 2,2 баравар ошди. Депутатлар таъкидлаганларидек, асосийси одамлар содир бўлаётган ўзгаришларни ҳис қилишлари лозим.

Кексалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш мақсадида санаторийлар ва интернат уйлари, кичик ёшдаги ногирон болалар интернат уйлари, уй шароитида ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлинмалари учун, шунингдек, ногиронларни реабилитация қилиш марказлари учун Давлат бюджетидан 125,7 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Ҳисобот даврида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми прогноз кўрсаткичларига нисбатан 103 фоиздан зиёдга бажарилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджет маблағларини бошқариш бўйича мустақиллигини ошириш, бюджет ижросининг марказга боғлиқлигини кескин камайтириш жараёнларини чуқурлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурларини кафолатланган молиялаштириш манбалари билан таъминлаш, маҳаллий ҳокимликларнинг маҳаллий бюджетларни шакллантиришда ва маблағлардан самарали фойдаланишда масъулияти ва жавобгарлигини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга депутатлар томонидан маҳаллий бюджетларни тўлдириш манбаларини кенгайтириш юзасидан мавжуд имконият ва ресурсларнинг тўлиқ ишга солинмаётгани, хусусан, республиканинг 17 та туман ва шаҳарларида маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисми прогноз кўрсаткичлари бажарилмагани танқид остига олинди.

Тез тиббий ёрдам бригадаларининг бир марта қақрилишга ажратилган маблағларнинг оқилона сарфланмаётгани ҳолатлари ҳам қайд этилиб, депутатларнинг фикрича, бу кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва ҳажмига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, харид қилинаётган тиббий буюмлар ва асбоб-ускуналар сифатининг номувофиқлиги ҳамда кишлоқ врачлик пунктларида ва оилавий поликлиникаларда уларнинг етишмаслиги ҳоллари мавжуд.

Умуман олганда, мажлис якунларига кўра, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

Саудия Арабистони Қироллиги делегациясининг учрашувлари

Мамлакатимизга таширф буюрган Саудия Арабистони — Ўзбекистон парламентларо дўстлик қўмитаси расми ўринбосари Аҳмад бин Муҳаммад ал-Ҳомидий бошчилигидаги делегация қатор учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Саудия Арабистони Қироллиги билан ўзаро муносабатларни барча соҳаларда, жумладан, парламентларо ҳамкорлик йўналишида ҳам ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаётгани таъкидланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 21 май куни Саудия Арабистонига таширфи мамлакатларимиз ўртасидаги мулоқотни чуқурлаштириш учун янги имкониятлар очиб бергани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта

устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хорижий мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни кенгайтиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидa ўтган учрашувда мەхмонларга Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистонда янги-ланган ички ва ташқи сиёсат олиб борилаётгани, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, унинг халқ билан яқинлигини таъминлаш, парламентнинг ижро ҳокимияти устидан назоратини кучайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Тадбирда парламентларо алоқаларнинг бугунги

ҳолати ва уларни мустаҳкамлаш, жумладан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Томонлар парламент делегациясининг Ўзбекистонга таширфи икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини чуқурлаштиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Саудия Арабистони Қироллиги парламент делегацияси аъзолари Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ислом цивилизацияси маркази ва Тошкент давлат шарқшунослик институти раҳбарлиги билан ҳам учрашди.

Сўхбат давомида Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, диний бағрикенглик, ижтимоий-маънавий муҳитни барқарор-

лаштириш борасидаги изчил ишлар тўғрисида маълумот берилди. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ислом цивилизацияси маркази буюк аждодларимизнинг ноёб меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, улар билан халқимиз ва жаҳон жамоатчилигини таништириш, динларро ва цивилизацияларро мулоқотни ривожлантириш, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини тарғиб этиш, ёш авлодни умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилиши таъкидланди.


— Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк алломаларнинг ҳадис ва калом илми, тиббиёт, фалакиёт, тарих, математика каби фанлар ривожига қўшган ҳиссаси Саудия Арабистонидa юксак қадрланади, — деди Аҳмад бин Муҳаммад ал-Ҳомидий. — Ўзбекистонга

таширфимиз давомида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юртингизда иқтисодиёт, парламентаризм, ташқи сиёсат соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдик. Айниқса, Ўзбекистонда ислом динининг асл мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар бизда катта таассурот уйғотди. Келгусида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази билан бў йўналишидаги ҳамкорлик кўп томонлама муносабатларга ижобий таъсир кўрсатади.

Учрашув якунида мەхмонлар Ҳазрати Имом мажмуасидаги масжид ва Усмон мусхафи билан танишди.

Саудия Арабистони — Ўзбекистон парламентларо дўстлик қўмитаси делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирилик ва идораларида ҳам учрашувлар ўтказди.

М.ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири



O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi davlat boshqaruvi akademiyasi tashabbusi bilan Konstitutsiyamiz qabul qilinganining 25 yilligiga bag'ishlab akademiya tinglovchilari hamda Shayxontohur tumanidagi umumta'lim maktablari o'quvchilari o'rtasida «Konstitutsiya — mening hayotimda» mavzusida esselar va insholar tanlovi o'tkazildi.


Tanlovni o'tkazishdan maqsad, har bir O'zbekiston fuqarosi, jumladan maktab o'quvchisidan to akademiya tinglovchilarigacha har bir ongli inson Konstitutsiyamiz mohiyatini anglashi, Bosh Qomusimizning hayotimizdagi o'rnini his etishi, pirovardida, Vatanimizning siyosiy asosi bo'lgan bu tarixiy hujjatning qimmatini anglashi ko'zda tutilgan.

Zero, o'z mamlakati taqdiriga, uning kelajagiga befarq bo'lmagan har bir inson qalbida «Konstitutsiya — mening hayotimda» degan ibora tahliliy mushohada tarzida ahamiyat kasb etadi, teran xulosalar chiqarishga undaydi.

Shayxontohur tumanidagi 35 ta umumta'lim maktabi o'quvchilarining yozgan insholaridan yuqori ball bilan baholangan ayrim namunalarni gazetxonlar e'tiboriga havola qilamiz.

Konstitutsiya — mening hayotimda

G'urur bilan ulg'aydik



mamlakat ekanini his qilib, u bilan faxrlanishimiz lozimligini anglaganman.

Bugun maktabning 8-sinfida o'qirkanmiz, Bosh Qomusimiz haqida kerakli tushunchalarga egamiz. Uning necha bob va nechta moddadan iborat ekanini bilamiz. Bu Qomus sabab qalbmida uyg'ongan g'urur va faxr tuyg'usi avvalgidan ko'ra ham mustahkamlandi, mazmuni ortdi. Farovon va tinch hayotimizning, sog'lom turmush tarzimizning asoslari shu buyuk hujjat bilan himoyalangani, ta'minlanganini tushunamiz. Bu xulosa o'zligimizni tanish, haq-huquqlarimizni bilib olish kabi muhim hayotiy asos ekanini his qilishimizga turtki beradi.

Konstitutsiyani, avvalo, bir o'quvchi sifatida davlatning Bosh Qomusi deb bilgan holda, uni bizning ta'lim olishimiz, o'z imtiyoz va imkoniyatlarimizdan foydalanishimiz uchun dasturlamal ham deb bilamiz.

Konstitutsiyamizning 41-moddasida «**Har kim bilim olish huquqiga ega. Bepul umumiy ta'lim olish davlat tomonidan kafolatlanadi. Maktab ishlari davlat nazoratidadi**» deb belgilab qo'yilgan. Ana shu so'zlarning o'ziyoq O'zbekiston degan mamlakat qanday jamiyat barpo etmoqchi ekanini, bu davlatda inson qadri, ilm-u ma'rifatning qimmatini naqadar baland ekanini tushunishga imkon beradi. Mana shu moddaga jam bo'lgan imkoniyatlarning hosili o'laroq, biz bugun keng va yorug' sinflarda, malakali o'qituvchilar ustozligida ta'lim olyapmiz.

Bir yaqin o'rtog'imning dadasi Janubiy Koreyaga borib keldi. O'rtog'imning aytishicha, u mamlakatda 6-sinfidan boshlab o'qish pullik ekan. Oddiy umumiy o'rta ta'lim maktabini tugatganligi haqidagi shahodatnomani olish uchun ham pul to'lama bo'lmas ekan. Buni eshitib turib, qadrdon maktabimiz haqida o'yladim. Istagan kitobingni topishing mumkin bo'lgan kutubxonamiz, sport zalimiz, bizni o'z farzandlaridan kam ko'rmaydigan mehribon ustozlarimiz ko'z o'ngimdan o'tdi. Va Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning «Farzandlarimiz bizdan ko'ra kuchli, bilimli, dono va albatta, baxtli bo'lishlari shart!» degan ezgu niyatining mazmunini birozgina anglagandek bo'ldim. Ha, bunday

imkoniyatlarini bizga Konstitutsiyamiz berdi.

Konstitutsiyamizdagi yana bir insonparvar g'oyalarni o'zida mujassam etgan modda 58-modda bo'lib, u shunday ifodalanadi: «**Davlat jamoat birlashmalarining huquqlari va qonuniy manfaatlariga rioya etilishini ta'minlaydi, ularga ijtimoiy hayotda ishtirok etish uchun teng huquqiy imkoniyatlar yaratib beradi.**

Davlat organlari va mansabdor shaxslarning jamoat birlashmalari faoliyatiga aralashishiga, shuningdek, jamoat birlashmalarining davlat organlari va mansabdor shaxslar faoliyatiga aralashishiga yo'l qo'yilmaydi.

Mamlakatimizda har bir insonning huquqlari himoya qilinadi. Inson erkinligi, ijtimoiy hayotdagi faoliyati ta'minlangan. Shuningdek, jamoat birlashmalarining huquq va imtiyozlari ham Konstitutsiyamiz himoyasiga olingan. Konstitutsiyada ta'kidlanganidek, ularning manfaatlari yo'lida g'ov bo'lishi mumkin bo'lgan turli cheklorlar, besabab aralashuvlar bo'lishi mumkin emas. Chunki mamlakatimiz taraqqiyoti yo'lida xizmat qilayotgan har bir tashkilotning umumiy yutuqlarimizda o'z hissasi bor. Jumladan, jamoat birlashmalarining ham. Shuning uchun ularning faoliyatiga mansabdor shaxslar tomonidan aralashuv faqatgina islohotlar yo'lida to'siq bo'lishi mumkin.

Konstitutsiya haqida ustozlarimizning bizga berayotgan saboqlaridan bitta narsani tushunaman. Konstitutsiyasiz mamlakat — poydevorsiz imoratdir. Har bir imoratning mustahkamligi uning asosiga bog'liq. Biz yaxshi bilamiz — bu asos mustahkam! Faqat Bosh Qomusimizda belgilangan ulug' yo'ldan og'ishmay borishimiz kerak.

Buning uchun biz yoshlardan talab qilinadigan fidoyilik, vatanparvarlik kabi xislatlarni kuchaytirishimiz kerak bo'ladi.

Komila OBIDJONOVA,
Shayxontohur tumanidagi
40-maktab o'quvchisi



B.RIZOQULOV olgan suratlar.

Hayotbaxsh Qomus

Qabul qilinganiga 25 yil bo'layotgan O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi men kabi millionlab o'quvchilar uchun ham bevosita huquqiy qalqon vazifasini o'taydi. Birgina bizning ta'lim olishimiz haqidagi moddaning o'ziyoq hayotimizda Konstitutsiyaning o'rnini haqida kerakli xulosa chiqarishimizga asos bo'ladi.

Bir qarindoshimiz Amerika Qo'shma Shtatlarida istiqomat qiladi. Oilasi bilan bir-ikki yilda O'zbekistonga kelib turadi. Ularning aytishlaricha, AQShdek rivojlangan mamlakatda ham ta'lim olish bizdagidek emas ekan. Savodsiz, oddiygina birovgacha xat yozishni bilmaydigan millionlab insonlar bor ekan. Biror ma'lumot olish uchun kutubxona, axborot markazlaridan foydalanish pullik, bunga esa hammaning imkoni yetmas ekan.

Afrika mamlakatlarida faqatgina qorin g'ami bilan yashashga majbur insonlar ko'p. Ular ta'lim olish, davlat hisobidan shinam maktablarda o'qishni tasavvur ham etolmaydilar. Dunyoning turli nuqtalarida bo'layotgan notinchliklar yoki iqtisodiy inqirozlar sababli ko'plab bolalar ta'lim olishdek muhim hayotiy imtiyozdan bebahra qolib ketmoqdalar.

Bu narsalarni ustozlarimiz bizga aytib, tushuntirib berganlarida beixtiyor Konstitutsiyamizda qayd etilgan ta'lim olish to'g'risidagi moddaning qudratini his etamiz. Shunday mamlakatda yashayotganimizga shukr qilamiz.

Geografiya o'qituvchimiz bir gal bizga atmosferadagi ozon qatlami to'g'risida gapirib bergan edi. Ustozimizning aytishiga ko'ra, agar ozon qatlami bo'lmasa, quyoshdan kelayotgan zararli nurlar yerga tushib, barcha jonzorlarning hayotiga jiddiy xavf tug'dirarkan. Natijada yerdagi hayot batamom poyoniga yetishi ham mumkin ekan. Men Konstitutsiyamizni xuddi o'sha hayotbaxsh ozon qatlamiga o'xshataman. Agarda Konstitutsiya bo'lmasa, bizning ijtimoiy hayotimizda ham juda katta yo'qotishlar sodir bo'ladi. Biz yoshlar shunday ozod va obod yurtda yashayotganimizdan minnatdor bo'lib, mamlakatimiz kelajagi uchun zarur bo'lgan bilimlarni olishimiz kerak. Vatanimiz taraqqiyotiga hissa qo'shishimiz lozim.

Husan IS'HOQOV,
Shayxontohur tumanidagi
59-maktab o'quvchisi

2017-yil 8-noyabr, № 89 (9050)

САМАРҚАНДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯГА ДОИР

Самарқанд шаҳрида 2017 йил 10-11 ноябрь кунлари БМТ шафелигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтади.

Форум Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессияси минбаридан билдирилган ҳамда Марказий Осиёда хавфсизликини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ташаббусларни амалга ошириш бўйича муҳим амалий қадамлардан бири бўлади. Маълумки, Марказий Осиёни осойишталик, барқарор тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айлантириш давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ҳамда БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Ташкилий қўмаги маълумотида кўра, йирик халқаро тадбир ишида 500 дан ортиқ иштирокчи, жумладан, Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, МДХ, Европа, Осиё ва Америка давлатларининг нуфузли расмий делегациялари, БМТ, ЕИ, ЕХХТ, ШХТ, МДХ, ЕПТБ каби 10 дан ортиқ халқаро ташкилотлар раҳбарияти, 100 га яқин таниқли халқаро экспертлар ва етакчи хорижий ОАВ вакиллари, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус аъзолари қатнашади.

Форум дастурига мувофиқ, БМТ Бош қотибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча, БМТ Бош қотиби ёрдамчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДХ давлатлари бўйича минтақавий бюроси директори Жихан Султаноглу, ЕИ ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт бўйича Европа комиссари Невен Мимица, ЕХХТ Бош қотиби Томас Гремингер, МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи қотиби Сергей Лебедев, ШХТ Бош қотиби Рашид Алимов ва бошқа халқаро тўзилмалар раҳбарлари иштирокчиларга мурожаат қилади.

Шунингдек, конференцияда Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Қайрат Абдраҳмонов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожддин Аслов, Туркменистон ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлут Чавушўғлу, Эрон Исломи Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф, Афғонистон Исломи Республикаси ташқи ишлар вазири Салоҳуддин Раббоний, АҚШ Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича катта директори Лиза Кёртис ва хорижий мамлакатларнинг бошқа расмий вакиллари сўзга чиқади.

Самарқанд конференцияси унинг иштирокчиларига минтақа хавфсизлиги ва тараққиётига доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш, уларни ҳал қилишнинг самарали йўллари ишлаб чиқиш имкониятини яратиши kutilmoqda. Икки кун давом этадиган форум Марказий Осиё давлатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик суръатини оширишнинг аниқ йўналишлари, шунингдек, тараққиёт бўйича ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда замонавий хатар ва таҳдидларга қарши курашишда мамлакатлар салоҳиятини юксалтиришга қўмаклашишда халқаро ташкилотлар ва ҳамкор давлатларнинг ўрнини муҳокама қилиш имконини беради.

ЎЗА

Филология фанлари форуми бошланди

Шу йилнинг 7 ноябрь кунлари пойтахтимизда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан «Тил ва таълим: муаммолар, истиқболдаги вазифалар» мавзусида филология фанлари ўқитувчиларининг республика форуми иш бошланди.



Форумда она тили ва адабиёт, ўзбек тили, қардош тиллар, инглиз, немис, француз тиллари, рус тили ва адабиёт фанлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан жами 200 нафардан ортиқ ўқитувчи, методистлар, ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ҳамда олий таълим муассасалари олимлари иштирок этмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, тажрибали ўқитувчилар сўзга чиқиб, филология фанларини ўқитишдаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари, бу фанларни такомиллаштириш борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашди.

Форумнинг биринчи кунлари иштирокчилар Халқ таълими вазирлиги тасарруфидидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабидаги таълим-тарбия жараёни ва ўқув муҳити билан танишиб, 9 та фан йўналиши бўйича маҳорат дарсларини кузатди.

— Форум филология фан-

лари таълимининг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, ўқитувчиларга методик ёрдам бериш мақсадида ўтказилган, — дейди Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим муассасаларида ўқув-методик жараёни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи Абдурахим Носиров. — Республикаимиздаги 836 та мактабда таълим рус тилида, 363 тасида қорақалпоқ, 380 тасида қозоқ, 247 тасида тожик, 56 тасида қирғиз ва 44 тасида туркман тилида олиб борилади. Бу муассасаларда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг 24 фоизи фоалият юритади. Улар методист ўқитувчилар томонидан олиб борилаётган маҳорат дарсларида фанни чуқур ўргатиш борасидаги билимларини бойитиш, ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлиши.

«Адабиёт дарсларида ўқувчиларни асар таҳлиliga ўргатиш усуллари», «Қардош тили ва адабиёти дарсларини инновацион ёндашув асосида ташкил этиш» мавзусидаги машғулотларда ўқитувчилар дарсларни янада самарали ташкил этиш, ўқувчилар би-



лан самарали ишлаш масаласида фикрлашишди.

— Икки гуруҳга бўлиниб, инновацион сабоқ турларини «Нима учун?», «Пирамида», методлари орқали чуқурроқ ўрганиш, — дейди Ромитан туманидаги 36-мактабнинг қозоқ тили ўқитувчиси Аралын Ахмирзаева. — Иқтидорли ўғил-қизлар билан индивидуал шуғулланишнинг янги ва натижадор усуллари ўзлаштирдим. Асар таҳлилининг аниқ йўналишларини белгилаб олдим.

Маҳорат дарсларидан сўнг форум қатнашчилари «Қатагон қурбонлари хотираси» мажмуи ва «Шаҳидлар хотираси», Ўзбекистон тарихи давлат музейига саёҳат уюштиришди. Айниқса, Ўзбек Миллий академик драма театрида намойиш этилган «Алишер Навоий» спектакли томошаси педагогларда катта таассурот қолдирди.

Бугун форумнинг иккинчи куниди ялпи ҳамда шўба йиғилишлари ўтказилиб, ўқитишнинг долзарб вазифалари, таълимга замонавий ёндашувлар ҳамда таълим технологияларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинади.


Шоира БОЙМУРОВА,
Гулюз ОРИФЖОНОВА,
«Ma'rifat» мухбирлари
В. ГРАНКИН
олган суратлар.

Самарали «очик дарс»лар фанга бўлган қизиқишларни янада оширмоқда

Ўқувчиларнинг билимларни янада самарали ўзлаштиришида «очик дарслар»нинг ўрни беқиёс. Косон туманидаги 94-умумтаълим мактабининг 9-«Б» синфида биология фанидан «Таянч ҳаракатланиш системаси» мавзусида ўтказилган «очик дарс» ўқувчиларнинг ушбу фанга бўлган қизиқишини янада оширди.

Дарсни 25 йиллик иш тажрибасига эга устоз-ўқитувчи Сайёра Рўзиева олиб борди. «Очик дарс» давомида ўқитувчи ўқувчиларга мавзуга оид маълумотларни, яъни таянч ҳаракатланиш системаси одам организмининг асосий қисмини ташкил этиши, у 206 та суюқнинг бирикшидан ҳосил бўлганини педагогик технологиялар ва слайдлар, кўргазмалар воситалар ёрдамида тушунтириб берди.

— Бундай «очик дарс»ларни таълим муассасаларида мунтазам ўтказиб боришимиз, — дейди вилоят халқ таълими бошқармасининг таъбиий фанлар методисти Севин Очилов. — Бундан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини, ўқитувчиларнинг маҳора-



тини ошириб боришдир. Бугунги дарсда малакали мутахассис Сайёра Рўзиева ёш педагогларимизга ўз маҳоратини кўрсатди. Дарсининг юқори савияда ўтганлиги кузатишлар ва муҳокамаларда яққол билинди.

«Очик дарс» юзасидан мактаб директори Содиқ Авазов, унинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Халима Сатторова, «устоз – шоғирд» аъёнчаларини намунали тарзда давом эттираётган ёш ўқитувчилар фикр билдирдилар.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Давлат ва жамоат арбоби, адиб ва шоир Шароф Рашидов фақат Ўзбекистонда эмас, балки Марказий Осиёда, Ҳамдўстлик давлатлари доирасида ҳам таниқли шахс ва ижодкор эди. Шароф Рашидов ўз роман, қисса ва ҳатто мақолаларида ҳам дилбар лирик туйғулар, гўзал инсоний қалб талқинлари билан нозик дидли қаламкаш эканини намоён этолган.

Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Бухоро вилоятидаги олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган туркман ёшлари иштирокида «Шароф Рашидов шеърятининг мафтункорлиги» мавзусида адабий-маърифий давра ташкил этилди. Ушбу давра суҳбати бевосита икки халқ ўртасидаги ришта — «Қардошлик клуби»нинг фаолияти билан узвий боғлиқ тарзда ўтказилди. Қуйида давра қатнашчиларидан айримларининг фикрлари билан танишамиз:

Олим Раҳматов, Бухоро вилояти туркман миллий-маданий маркази раиси, Бухоро давлат тиббиёт институти доценти:

— Ўзбек ва туркман халқлари адабиёти бир-биридан илҳомланиб, бир-бирдан куч олиб ривожланиб келган. Навоий ва Махтумқулидек улғу сиймоаларнинг издошлари шу йўналишдаги алоқаларни давом эттирмоқда. Бунга таниқли адиб Шароф Рашидовнинг ижодий фаолияти мисолида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Унинг асарлари туркман ўқувчилари томонидан севиб ўқилади. Шароф Рашидов шеърлари раволиги, лирик туйғуларга бойлиги билан эътиборли.

Мамажон Қодирова, Бухоро давлат тиббиёт институти талабаси:

— Мактаб ўқувчиси чоғларимда Чоржўй театрида санъаткор Бобомурод Ҳамдамовнинг концерти бўлди. Шунда у киши бир қўшиқни ўта жўшқинлик билан ижро этди:

**Бағри баҳор ўлканинг
Хуснига ҳол келармиш.
Ойдин ўзиб жамоли
Толени ҳилол келармиш...**

Бу лирик туйғуларга бой қўшиқнинг матни қайси шоирга тегишли эканини сўраган кишиларга ҳофиз: «Бу шеър машхур ўзбек ёзувчиси ва шоири Шароф Рашидов қаламига

мансуб» деб жавоб берганди. Яна кимдир «Бу ўша Ўзбекистон раҳбари бўлган улкан давлат арбоби Рашидовми?» дея сўради. «Ҳа-да, — дедилар Бобомурод оға, — у жуда истеъдодли сўз санъаткори. Бу шеърни шоир 1944 йили фронтдан қайтиш

палласи ўз ёрига бағишлаб ёзган экан.

Баҳор Ғойибова, Бухоро давлат тиббиёт институти талабаси:

— «Ширин келармиш» шеъри Муллаанафас, Мурод Толибий сингари туркман мумтоз шоирларининг севиғи лирикасига монанд самимийлиги, оҳангдорлиги билан эътиборни тортади. Шароф Рашидовнинг «Эрк истар кўнгил» китобидан шу шеърни ёндафтаримга ёзиб олдим:

**Ҳаёл эди дилларда,
Достон эди тилларда,
Сайхун банди бўларкан,
Оби зилол келармиш.**

**Толе кулар, бахт кулар,
Чўлда севиғи етилар.
Сайхун бўйида байрам,
Ширини бол келармиш.**

Сайхун — бу Сирдарё эканини биламиз. Шоир урушда галаба қозонишга юксак ишонч билан Сирдарё бўйларида асрий қароқ чўларни ўзлаштириш асноси ҳосил бўладиган бог-бўстонлар бағридаги гўзал онларни кўйлайди. «Чўлда севиғи етилар» дер экан, бу ўлим ҳаёт фаровонлиги, севиғи ва муҳаббат эса богроғлар, галаба ва фаровонлик билан уйғун бўлган, шуқуҳли тақдир эканлигига уруғ берган.

Sharof Rashidov tavalludining 100 yilligiga

Арслон Қаюмов, Бухоро педагогика коллежи ўқувчиси:

— Шароф Рашидовнинг 1941 йил 3 августда ёзган «Қасос ол!» номли шеъри урушда халок бўлган дўсти хотирасига бағишланган. Шоир «Унинг номи ўлмас афсона... Кўёш каби кўрган умрлар» дейиш билан қахрамонлар номи кўёш сингари абадийлик, афсонага айланувчи мўтабарлик касб этишини таъкидлайди.

**Умрларнинг тарихи ундан
Сира ўлмас дoston олурлар...**

Чинар Аллақова, Бухоро педагогика коллежи ўқувчиси:

— Ҳа, улуг шоир ватан эрки, халқ осойишталиги учун курашишни умр мазмунига айлантирган қахрамонлар мадҳига алоҳида эътибор берган. Жумладан, қасос олиш даъвати фашистларга қарши жанг қилганлар тимсолида ҳам ўз ифодасини топган:

**Дўстим ўлди жангда шон билан,
Шундай ўлим ўзи бир иқбол.
Ватан деди: «Қани, жангга кир,
Дўстинг учун ёвдан қасос ол!».**

ТУРКМАН ТАЛАБАЛАР ИХЛОСИ

каби мисраларда Ватан озодлиги, юрт обрўси йўлида жон фидо этганлар ҳаёти ва номи ўлмас-йитмас дostonлар каби абадийлик касб этиши ўқтирилган. Алпомиш, Гурўғли, Фарход, Манас каби афсонавий қахрамонлар, Амир Темур, Мангуберди, Темур Малик сингари саркардаларимиз ана шундай мангу тимсоллар саналади. Ш.Рашидов ватан учун жангларда жон берган кишилар ҳам шундай улғу зотлар каби ардоқли бўлиб қолади, дея таъкидлайди.

Жонидек Ботаев, Бухоро педагогика коллежи ўқувчиси:

— Шароф Рашидовнинг мана шу «Қасос ол!» шеъридаги ўлим маъноси билан боғлиқ фикрлари мисоли ҳикмат мақомидаги теранликка эга:

**Ўлим борки, мўтабар ҳаёт,
Ўлим борки, унга минг нафрат.
Ўлим борки, бир умр тирик,
Ўлим борки, ўлмоқ мангулик.**

Ҳақиқатан ҳам, шундай ўлимлар бўладики, бу ўлим билан ҳаёт мўтабар ва муқаддас ҳисобланади. Бу — Ватан йўлида, юрт душманларига қарши жанглар ва қуршларда жон бериш, шахид бўлиш билан боғлиқ шарафли ўлимдир.

Донишманд шоир тўғри айтган: Ватан ва озодлик йўлида шахид бўлиш — бу бахт ва иқбол рамзи саналади.

Тоили Гурбанов, Бухоро педагогика коллежи ўқувчиси:

— Туркман элидаям таниқли бўлган Шароф Рашидовдек ижодкор ва давлат арбобининг самимий руҳдаги фалсафий-сиёсий шеърлари энг улғу бойлигимиз бўлмиш мустақилликни ҳимоя қилиш, уни кўз қорачигидек асраш каби кенг миқёсли вазифага ундайди.

Оташин қалбингда олижаноб ишқ —

Хуррият орзуси ёнди бир умр...

деб ёзarkan, бу билан дунёдаги барча кишиларнинг улғу мақсади — эрк ва озодлик эканини ифода қилади. Энди эришилган эрк ва мустақилликни асраш ва ривожлантириш — ҳар биримизнинг олий бурчимиз эканини унутмаслигимиз керак. Шароф Рашидов, Ойбек, Берди Кербобоев, Фафур Фулом, Гара Сейитлиев каби миллатсевар шоирларимиз яратган асарлар биз авлодларини шу каби муҳим вазифага ундаб туради.

**Абдуғаффор ХОН,
адабиётшунос олим**

Халқ таълими тизимида педагогларнинг маънавияти мунтазам ошириш, илғор педагогик технологияларни амалиётга жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир ўқув фанлари бўйича барча туман(шаҳар)ларда методист ўқитувчилар мактаби ташкил этилаётган. Маҳорат машғулотларида ўқув-методик қўлланмалар, янги дарсликлар, электрон ахборот таълим ресурслари ва методик тавсиялардан унумли фойдаланиш усуллари намоён этилмоқда.



чиси Салима Курбонова узлуксиз малака

ошириш тизимига янги технологияларни татбиқ этмоқда. Улар асосан «Ташунчалар таҳлили», «Тарғиботчи», «Тилшунос», «Билиш завқи» каби замонавий ўқитиш усуллари амалиётда қўлланадиган фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда ишлашади. Масалан, «Билиш завқи» усулида ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, савол беришади. Мусобақа шаклидаги бу машғулотда мазмунли ва қизиқарли савол йўллаб, янги

Jarayon

Методист ўқитувчилар мактаби —

узлуксиз малака ошириш тизимидаги янги методик хизмат

— Туманимиздаги мактабларда она тили ва адабиёт ҳамда ўзбек тили фанларини сифатли ўқитиш мақсадида янги лойиҳалар устида ишланяпти, — дейди Чилонзор тумани халқ таълими бўлими методисти Нигора Ражабова. — Ҳар ойнинг охири жума ва шанба кунлари ташкил этилаётган методист мактаби машғулотларида намунавий ўқув режа ва дастур асосида методик хизматни ташкил этиш, ўқитувчиларни тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартларидан боҳабар этиш, илғор тажрибаларни саралаш ва оммалаштиришга эътибор берилаяпти. Жараёни илмий-методик материаллар билан таъминлаш учун Республика таълим марказида «Методик инновациялар лабораторияси» фаолияти йўлга қўйилди.

Халқ таълими вазирлиги тавсияси билан чоп

этилган «Методистлар мактаби» ўқувларини ташкил этиш методикаси» номли қўлланма ўқитувчиларга яқиндан кўмак бераяпти. Қўлланмада фан методистлари ва методист ўқитувчиларнинг ўзаро ижодий ҳамкорлик педагогикаси белгиланиб, шахсий жавобгарлик, самарали муҳокама каби йўналишларда аниқ илмий методлар тавсия этилган. Эътиборлиси, жараёнда илм-фан ютуқлари, замонавий инновацияларни таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, илмий тадқиқотлар асосида янги ишлаб чиқилган ишланмалар самардорлигини аниқлаш, тажриба-синов жараёнларини самарали ташкил этиш билан шуғулланувчи методистлар шаклланимоқда.

Чилонзор туманидаги она тили ва адабиёт фани бўйича методист-ўқитувчи Шаҳодат Абдуллаева ва ўзбек тили фани методист-ўқитув-

маълумот тўплаган гуруҳ голиб топилади.

Методист ўқитувчилар ўртасида «Гуруҳли тренинг» методи асосида ишлаш йўлга қўйилган. Ушбу лойиҳада амалиётчи ўқитувчилар ўз тақлифларини билдириб, тажрибасини намоён этишади. Холис кузатув ва аниқ хулосалар тилга олинадиган тренингда жамоавий таҳлил этиш методи қўлланилади. Бу эса рефлексия — акс эттириш бўлиб, кўрсатилган тажриба асосида ўқитувчилар ўз мактабларида дарс ўтишади, кўзланган самара ва натижа ҳам шунга яраша бўлади. Муҳими, бундай соғлом рақобат муҳитида малака ошираётган педагогларнинг касбий маҳорати ошиб бораверади.

**Шоира БОЙМУРОВА,
«Ma'rifat» мухбири
Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.**

2017-yil 8-noyabr, № 89 (9050)

Вазирлар Маҳкамасининг ўзбек биокимё ва эндокринология мактаблари донгини дунёга дoston қилган, юртимиз илм-фани ва таълим тизими тараққиётига улкан ҳисса қўшган академик Ёлқин Тўрақулов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори маърифат ахли кўнгилларига сурур бағишлади.

Болалик орзулари рангин бўлади. Шу орзулар бола қалбига қанот беради, унинг келажagini белгилайди. Ёлқин Тўрақулов болалигидан жуда қизиқувчан эди, жуда кўп китоб ўқирди. Тошкентдаги ўқувчилик йилларида шахматга ихлос қўйди. У ҳамisha мусобақаларда қатнашар ва кўпинча голиб чиқарди. У «жаҳон чемпиони Алёхиндек шахматчи бўлман» дерди. Намангандаги мактабда ўқини давом эттирганда, шоир Рафиқ Мўминнинг адабиёт тўғрисидаги қатнашди, шеърят жони-дилига айланди. Устози унга Ёлқин тахаллусини берди. Шеърлари газеталарда нашр қилинди. Бу вақтда у Навоийдай шоир бўлишни орзу қилган бўлса, ажабмас. 1931 йили Тошкент тиббиёт институтига ўқишга кирганда Германияда таҳсил олиб қайтган устози Саттор Жаббор ва у билан келган немис олими Энгланд Ёлқинни кимёга, биокимёга қизиқтира олишди.

У болалигида ўйлангандай шахматчи ёки шоир бўлмади, лекин дунё олимлари тан олган биокимёгар ва эндокринолог Ёлқин Тўрақулов сифатида илм тарихи саҳифасидан жой олди. Фикримизнинг исботи сифатида Москвадаги Тиббиёт фанлар академияси номидан 60 йиллик тўйига йўланган табрикномадан парча келтирамиз: «Қалқонсимон без патологияси, физиологияси ва биокимёси бўйича олиб борган тадқиқотларингиз Сизга ҳақли равишда шон-шараф келтирди. Ёлқин Холматович, Сиз эндиликда бу соҳадаги илмий ишларни баҳолашда энг олий ҳакамсиз». Бу эътироф шу соҳа билимдонларини бирлаштирган академия томонидан ёзилган.

Ёлқин Тўрақулов шараф чўққисига осонгина кўтарилмади. Унинг йўли ҳам меҳнат ва машаққатларга тўла бўлди. Талабалик давридаёқ рус ва немис тилини билгани учун Энгланд дарсларида таржимонлик қилди, амалий машгулотлар ўтказди. Институтни битиргач, «Ўздавнашар»да муҳаррир бўлиб ишлади. Кейин кадрдон институтининг биокимё кафедраси аспирантурасига қабул қилинди ва организмдаги каллий ионининг аҳамиятига оид тадқиқотларини бошлади. 1939 йилда янги ташкил этилган фармацевтика институтига раҳбар этиб тайинланди. Институтдаги ташкилий ишлар, талабаларга таълим-тарбия бериш, илмий

ишлари етмагандай, кўшимчасига Москва фалсафа, тарих ва адабиёт институтига сирдан ўқишга кирди.

Немис-фашист босқинчилари собиқ СССР худудига бостириб кирган куннинг эртасига фармацевтика институтига йўғилиш бўлди. Унда ўқитувчи ва талабалар кўнгиллари қаторига фронтга боришга аҳд қилишди.

Уша кун Ёлқин Тўрақулов илмий кенгашда номзодлик диссертациясини ёқлади. Эртаси кун уни соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари лавозимига тақлиф этишди, лекин у ўз хоҳишига кўра, фронтга жўнаб кетди. Ҳарбий врач сифатида ярадорларга ёрдам кўрсатди. Ҳаво ҳужумларидан бирида ўзи ҳам оғир яраланди, фронт ортига қайтарилди ва 1944 йилдан фармацевтика институтига ишчи давом эттирди.

1945 йили ўзбек илм-фани тарихида унутилмас воқеа юз берди. 50 нафар иқтидорли ёш олим Ёлқин Тўрақулов етакчилигида Москвадаги илм масканларига докторантурага жўнатилди. Бироқ Тўрақулов икки йил ўтгач, чақириб олинди ва унга Тошкент тиббиёт институтини бошқариш вазифаси юкланди. Умуман олганда, у қаерда ишлагани яратувчанлик, илмий изланиш ва талабаларга таълим-тарбия беришдан бир зум тўхтамади. Унга илмий раҳбар ёки маслаҳатгўй бўлган олимларнинг номларини эслашнинг ўзи кишида фахр туйғусини уйғотади. Уларнинг бари машҳур академиклар: Яков Парнас, Самуил Капланский, Хачатур Коштоянц, Игорь Курчатов, Сергей Северин, Убай Орипов!.. Мухими, уларнинг бари Ёлқин Тўрақуловни билими ва иқтидори учун ҳурмат қилишарди. Дарҳақиқат, Ёлқин Тўрақулов умр бўйи илмий изланиш ва таълим-тарбия беришдек икки асосий вазифасини ҳалол бажарди.

Катта ташкилотчилик қобилиятига эга Ёлқин Холматович тиббиёт институтини барча соҳаларини ривожлантиришга эътибор қаратди. Аммо шундай шижоатли раҳбар ва олим рус, немис ва инглиз тилини биладиган ғайратли раҳбар миллатчиликда айбланиб, вазифасидан озод қилинди ва қишлоқ ҳўжалиги институтига катта илмий ходим лавозимига ўтказилди. Айнан шу институтда альбинос қорақўл кўзилари қалқонсимон безларида йод етишмаслигига боғлиқ биокимёвий ўзгаришларга оид тадқиқотларини бошлади ва докторантурани давом эттириш учун Москвага йўл олди. Яна докторантурани тугатиш



Yolqin To'raqulov tavalludining 100 yilligiga

насиб этмади. 1955 йили Андижон тиббиёт институтини ташкил этилиши муносабати билан чақириб олинди. Тўрақулов бир қанча мутахассислар билан Андижонга келиб, институтнинг оёққа туришига ҳисса қўшди. 1957 йили Тошкентда ядро институтини очиладиган бўлди ва Тўрақулов шу институт ташкилий ишларига жалб қилинди. Кўп ўтмай Ўлка тиббиёт институтини очилди ва унинг биринчи директорлигига Ёлқин Тўрақулов тасдиқланди, бир вақт

чиқди. Бу китоб инглиз тилига таржима қилиниб, АҚШда кўп нусхада чоп этилди ва шу соҳа кишиларининг столи устида турадиган маълумотнома китобига айланди. 1976 йилдан Ўлка тиббиёт институтини директорлигига қайтарилди. Кейинчалик шу институт асосида эндокринология институтини ташкил этилди. У илмий тараққиётни ҳисобга олган ҳолда институтда нейроэндокринология лабораторияси очди ва уни умрининг охиригача бошқарди.



Илмимиз яловбардори

да шу институтдаги гормонлар биокимёси лабораториясини бошқарди. Илмий институтни бошқариш дегани унинг илмий йўналишини белгилаш деганидир. У институтнинг олтига асосий йўналишини белгилади. Улардан бири кўпчилигимизга таниш: йод изотопи билан бўқоқ касалини даволаш.

Олим докторлик диссертациясини ниҳоясига етказиш учун иждоий таътилга чиқди, 1959 йили қалқонсимон без гормонлари ва унда йод алманишувига оид докторлик диссертациясини ёқлади. Диссертация асосида ёзилган «Тиреоид гормонлар ва йод алманишуви» монографияси олимларнинг юқори баҳосини олди, тезда инглиз тилига таржима қилиниб, Исроилда кўп нусхада chop этилди. Шу боис уни кенг қамровли нутқлари билан қатнашиш учун 1961 йилдан халқаро эндокринологлар, 1963 йилдан халқаро биокимёгарлар конгрессларига мунтазам равишда тақлиф этишди.

Академиклар Жон Раш ва Раймонд Мишелнинг Франциядаги лабораторияларида замонавий технологияларни ўрганиб қайтган Ёлқин Тўрақулов янги гоё ва ғайрат билан ишга киришди. 1963 йили ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетига биокимё ва биофизика кафедрасига асос солди ҳамда уни узоқ йиллар бошқарди. 1967 йили Фанлар академияси тизимида биокимё институтини очилишига эришди ва унда уч йил директорлик қилиб, асосий тадқиқот йўналишларини белгилади. 1970 йили Самарқанд давлат университети ректорлигига тайинланди. Университетнинг моддий-техник базасини пухта ўрганиб чиққач, Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов номига 8 қисмдан иборат асосий талаблар қўйилган хат ёзди. Бу талаблар инобатга олиниб, университетнинг моддий-техник базасини яхшилаш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилди.

У Ўзбекистон Фанлар академияси биология бўлими котиблигига сайланди. 1972 йили ҳаммуаллифлари билан биргаликда ёзган «Тиреоид гормонлар» китоби нашрдан

Таниқли олим ва педагог ўзига ишониб топширилган жамоатчилик ишларига ҳам виждонан ёндашиб, янгилик қилишга интиларди. Дўстлик жамияти раиси сифатида Покистон халқига мингдан зиёд китоблар совға қилинишига, Китобхонлар жамияти раиси сифатида Тошкентда Сергей Есенин музейи очилишига, Касаба уюшмаси кенгаши Фаоли сифатида турли спорт мусобақалари ташкил этилишига, кўплаб энциклопедиялар кенгаши аъзоси сифатида уларга керакли илмий мақолалар етказиб берилишига, «Фан ва турмуш» журнади муҳаррири сифатида журналнинг ўқишли бўлишига астойдил киришганди. Қизиқарли маълумот: бир шогирди Ёлқин Тўрақуловнинг бир вақтнинг ўзида ўттиз иккита жамоатчилик ишида сидқидилдан хизмат қилганини айтиб, барчани ҳайрон қолдирганди.

Атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов: «Биз ёзишни Тўрақуловдан ўрганишимиз керак», деб бежиз айтмаган. Олим эллиқдан ортиқ китоб ва мингдан зиёд илмий мақола муаллифи. Рус олими Иван Павловнинг танланган асарларининг ўзбекча таржимаси чиқишида фаоллик кўрсатганига, икки жилдлик «Русча-ўзбекча тиббий лугат»га масъул муҳаррир бўлганига, 42 босма табоқ, 492 бетли ўзбекча «Биокимё» ва «Молекуляр биология» дарсликлари яратганига, шогирдлари билан 10-11 синфлар учун «Умумий биология» дарсликларини ёзганига ҳавас қилсак арзийди.

Шогирдсиз устоз — мевасиз дарахт, нақлига амал қилиб яшаган академик юз-тоз ортиқ шогирдлар тайёрлади. Ҳозирги кунда уларнинг кўпчилиги академик ёки бирор илмий йўналишнинг раҳбари. Унинг шогирдлар тайёрлашга жиддий муносабатда бўлганига биргина мисол келтирмоқчиман. 1997 йили олим оғир хасталик аломатларини сезди, уни му-

раккаб операция йўли билангина бартараф этиш мумкинлигини биларди. Кўргани келган шогирдига қатъий деди: «Диссертацияни тезроқ ёз, улгурмай қолишинг мумкин». Мехрибон устозининг оғир аҳволини кўрган шогирд кўзда ёши билан диссертацияни ёзди. Операциядан кейин устози томирига томчи дори юборилаётганда уч кун давомида диссертациясини ўқиди. Ҳар-ҳар замонада устоз секин овозда тузатишлар киритди. Бу муолажанинг самараси яхши бўлди: устоз соғайди, шогирд кўп ўтмай диссертациясини ёқлади.

Етук олим ва халқ ишига фидойи Ёлқин Тўрақуловнинг хизматлари муносив баҳоланди. Мамлакатнинг энг нуфузли Давлат мукофоти (1964), «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони (1965), Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1985), Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ал-Хоразмий медал (2002), «Эл-юрт хурмати» (1998) ва «Буюк хизматлари учун» (2003) орденлари билан тақдирланди. 1966 йили Ўзбекистон Фанлар академияси академиклигига сайланди.

Ёлқин Тўрақулов 2005 йил 1 март кунини ўз ҳаёт йўлини ўйлаганча кадрдон оромкурисидан мангу уйкуга кетди... Юқорида келтирилган қарорга кўра, ўзи асос солган ва унинг ривожига беқиёс ҳисса қўшган Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказига унинг номи берилди, пойтахтимизда «Академик Ёлқин Тўрақулов ҳаёти ва илмий мероси» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказиш белгиланди. Шубҳасиз, 100 йиллик таваллуди катта тантаналар билан нишонланаётганлини ҳис қилган устоз шогирдлари ва маърифат ахли қалбларида қувонч уйғонди. Зеро, қадим ҳикматда таъкидлангандай: «Олимларнинг ишлари мангу яшайди!».

Асрор МЎМИН,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

2017-2018 ўқув йили учун умумий ўрта таълим мактабларига дарсликларнинг мультимедиали иловаларини яратиш ва кўпайтириш мақсадида танлов савдолари ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Танлов номи: 2017-2018 ўқув йили учун умумий ўрта таълим мактабларига дарсликларнинг мультимедиали иловаларини яратиш ва кўпайтириш, харид қилиш.

Бюджет: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.
Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.

Молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси бюджет ва Молия вазирлиги хузуридаги Республика китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бюджет: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.
Ўрта таълим мактабларига дарсликларнинг мультимедиали иловаларини яратувчи ва кўпайтириб бериувчиларни тақлиф этади.

Дарсликларнинг мультимедиали иловаларининг номи, техник талаблари, миқдори ва энг юқори нархи қуйидагилар:

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Синфи	Таълим тили	Миқдори	Техник талаблар	Маҳсулотнинг энг юқори (максимал) нархи (сўмда)
1	Она тили (дарслик мультимедиали иловаси)	дона	4	ўзбек	20 261	Бюджетчи томонидан тақдим этиладиган техник топшириққа мувофиқ мультимедиали иловалари ишлаб чиқилади ва кўпайтирилади. Диск формати: DVD-R, Диск ҳажми 4,7 Gb. Диск устки беағи ранги: 4. Диск усти беағи: Пурковчи рангли принтерда чоп этилади. Аудиовизуал асарларни яратиш учун лицензия талаб қилинади.	5 236,72
2	Ўқиш китоби (дарслик мультимедиали иловаси)	дона	4	ўзбек	20 261	Бюджетчи томонидан тақдим этиладиган техник топшириққа мувофиқ мультимедиали иловалари ишлаб чиқилади ва кўпайтирилади. Диск формати: DVD-R, Диск ҳажми 4,7 Gb. Диск устки беағи ранги: 4. Диск усти беағи: Пурковчи рангли принтерда чоп этилади. Аудиовизуал асарларни яратиш учун лицензия талаб қилинади.	5 236,72
3	Математика (дарслик мультимедиали иловаси)	дона	4	ўзбек	20 261	Бюджетчи томонидан тақдим этиладиган техник топшириққа мувофиқ мультимедиали иловалари ишлаб чиқилади ва кўпайтирилади. Диск формати: DVD-R, Диск ҳажми 4,7 Gb. Диск устки беағи ранги: 4. Диск усти беағи: Пурковчи рангли принтерда чоп этилади. Аудиовизуал асарларни яратиш учун лицензия талаб қилинади.	5 236,72
4	Табиятшунослик (дарслик мультимедиали иловаси)	дона	4	ўзбек	20 259	Бюджетчи томонидан тақдим этиладиган техник топшириққа мувофиқ мультимедиали иловалари ишлаб чиқилади ва кўпайтирилади. Диск формати: DVD-R, Диск ҳажми 4,7 Gb. Диск устки беағи ранги: 4. Диск усти беағи: Пурковчи рангли принтерда чоп этилади. Аудиовизуал асарларни яратиш учун лицензия талаб қилинади.	5 236,72
5	Инглиз тили "Fly High English" (дарслик мультимедиали иловаси)	дона	5	ўзбек	18 221	Бюджетчи томонидан тақдим этиладиган техник топшириққа мувофиқ мультимедиали иловалари ишлаб чиқилади ва кўпайтирилади. Диск формати: DVD-R, Диск ҳажми 4,7 Gb. Диск устки беағи ранги: 4. Диск усти беағи: Пурковчи рангли принтерда чоп этилади. Аудиовизуал асарларни яратиш учун лицензия талаб қилинади.	5 441,99
6	Немис тили "Deutsch" (дарслик мультимедиали иловаси)	дона	5	ўзбек	1 285	Бюджетчи томонидан тақдим этиладиган техник топшириққа мувофиқ мультимедиали иловалари ишлаб чиқилади ва кўпайтирилади. Диск формати: DVD-R, Диск ҳажми 4,7 Gb. Диск устки беағи ранги: 4. Диск усти беағи: Пурковчи рангли принтерда чоп этилади. Аудиовизуал асарларни яратиш учун лицензия талаб қилинади.	9 752,74
7	Француз тили "Bonjour la France" (дарслик мультимедиали иловаси)	дона	5	ўзбек	994	Бюджетчи томонидан тақдим этиладиган техник топшириққа мувофиқ мультимедиали иловалари ишлаб чиқилади ва кўпайтирилади. Диск формати: DVD-R, Диск ҳажми 4,7 Gb. Диск устки беағи ранги: 4. Диск усти беағи: Пурковчи рангли принтерда чоп этилади. Аудиовизуал асарларни яратиш учун лицензия талаб қилинади.	11 187,20
8	Ўзбек тили (мультимедиали иловаси)	дона	4	рус	2 092	Бюджетчи томонидан тақдим этиладиган техник топшириққа мувофиқ мультимедиали иловалари ишлаб чиқилади ва кўпайтирилади. Диск формати: DVD-R, Диск ҳажми 4,7 Gb. Диск устки беағи ранги: 4. Диск усти беағи: Пурковчи рангли принтерда чоп этилади. Аудиовизуал асарларни яратиш учун лицензия талаб қилинади.	8 022,85
9	Русский язык (мультимедиали иловаси)	дона	4	рус	2 092	Бюджетчи томонидан тақдим этиладиган техник топшириққа мувофиқ мультимедиали иловалари ишлаб чиқилади ва кўпайтирилади. Диск формати: DVD-R, Диск ҳажми 4,7 Gb. Диск устки беағи ранги: 4. Диск усти беағи: Пурковчи рангли принтерда чоп этилади. Аудиовизуал асарларни яратиш учун лицензия талаб қилинади.	8 022,85
10	Книга для чтения (мультимедиали иловаси)	дона	4	рус	2 092	Бюджетчи томонидан тақдим этиладиган техник топшириққа мувофиқ мультимедиали иловалари ишлаб чиқилади ва кўпайтирилади. Диск формати: DVD-R, Диск ҳажми 4,7 Gb. Диск устки беағи ранги: 4. Диск усти беағи: Пурковчи рангли принтерда чоп этилади. Аудиовизуал асарларни яратиш учун лицензия талаб қилинади.	8 022,85
11	Английский язык "Fly High English" (мультимедиали иловаси)	дона	5	рус	1 917	Бюджетчи томонидан тақдим этиладиган техник топшириққа мувофиқ мультимедиали иловалари ишлаб чиқилади ва кўпайтирилади. Диск формати: DVD-R, Диск ҳажми 4,7 Gb. Диск устки беағи ранги: 4. Диск усти беағи: Пурковчи рангли принтерда чоп этилади. Аудиовизуал асарларни яратиш учун лицензия талаб қилинади.	9 044,38
12	Инглиз тили "Fly High English" (дарслик мультимедиали иловаси)	дона	5	коракалпоқ	723	Бюджетчи томонидан тақдим этиладиган техник топшириққа мувофиқ мультимедиали иловалари ишлаб чиқилади ва кўпайтирилади. Диск формати: DVD-R, Диск ҳажми 4,7 Gb. Диск устки беағи ранги: 4. Диск усти беағи: Пурковчи рангли принтерда чоп этилади. Аудиовизуал асарларни яратиш учун лицензия талаб қилинади.	13 276,85

Имзоланадиган шартномалар учун 15 фойздан юқори миқдорда олдиндан тўлов маблағлари талаб қилинганда, талаб қилинган аванс маблағларига тенг миқдорда хизмат кўрсатувчи банк томонидан банк кафолати тақдим қилиниши шарт. Банк кафолати тақдим қилинмаган тақдирда имзоланган шартномалар учун олдиндан тўлов маблағлари 15 фойз миқдорда тўлаб берилди.

Танлов савдоларига қўйилган лотлар бўлимас бўлиб, лот таркибидаги ҳар бир маҳсулотни алоҳида ажратиб кўрсатган ҳолда нарх тақлифи бериш ёки

лот таркибидаги маҳсулотларнинг айримларини тушириб қолдириб, нарх тақлифлари берилишига йўл қўйилмайди. Шу кўринишда тақдим қилинган тақлифлар инобатга олинмайди.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган қорхона ва ташкилотлар ўз тақлифларини тақдим этишларидан олдин тегишли лотлар бўйича маҳсулотлар техник талабларини вазирлик томонидан олишлари мумкин.

Тақдим этилаётган танлов тақлифлари алоҳида ҳар бир лот кесимида ёпиқ ҳолда (муҳрланган конверт) расмий мурожаат хати

билан бирга 2017 йил 14 ноябрга қадар Тошкент вақти билан соат 15:00 гача Танлов комиссиясига қуйидаги манзилга тақдим этилиши лозим.

Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Телефон: (+99871) 239-40-30.

Белгиланган муддатдан кечиккан мурожаатлар инобатга олинмайди. Вазирлик Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган қорхона ва ташкилотлар томонидан Танлов тақлифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларга жавобгар эмас.

2017-yil 8-noyabr, № 89 (9050)

БУ ИРОДА КУЧИГА БОГЛИК

Латвиянинг органик синтез институти олимлари ҳамда мелъдоний яратувчиси Иварс Калвинш алкоголизмга қарши янги дори воситасини ишлаб чиқди.

«Sputnik Latviya» нашрининг хабар қилишича, янги дори воситаси алкоголга ўрганиш ҳиссини уйғотмайди, аксинча унинг ўрнини босади. Препаратнинг ишлаш принципи бахт гормони синтезини рағбатлантирувчи миянинг биологик ўсимлик моддалари таъсирига асосланади.



Таққослаш учун оладиган бўлсак, спирт бу гормонни сунъий усул билан синтез қилади. Бундан ташқари, спирт гиёҳванд модда сифатида қўшимча рецепторларни кўзгатади. Натижада ичувчида «бахт гормони» уйғониб ўзини хушчақчақ ҳис этади. Тананинг мазкур ҳиссиётни сезувчанлик қобилияти туйғайли катта миқдорда спиртга эҳтиёж уйғонади. Бироқ янги дори воситаси қўшимча рецепторларни кўзгатишга эмас, аксинча алкоголдан ортирилган ортиқча миқдорни камайтиришга ёрдам беради.

Наркологлар янги дори муттасил ичувчиларга ижобий таъсир этиб, уларнинг спиртли ичимликка нисбатан қарамлик ҳиссини пасайтираётганини тасдиқлади. Ушбу препарат ноғўя таъсирлардан холи. Шундай бўлса-да, И.Калвинш ўзи яратган дорисини идеал эмас, балки қўшимча «шифо воситаси» деб атамоқда. Боиси, фақат мустаҳкам ирода ва кучли истак-



кина ичкиликдан фориғ қила олади.

— Агар дўстлар даврасида ичкилик ичиш таклиф этилсаю, бемор уни рад этолмаса, тамом — ҳеч қайси дори билан даволаб бўлмайди, — дейди И.Калвинш. — Ичкиликка муқкасидан кетганларга фақат психотерапевт ва нарколог ёрдам бериши мумкин.

ЕВРОПАЛИКЛАРНИ НИМА НОБУД ҚИЛМОҚДА?

Ҳозирги кунда сайёрамизда фаолият юритаётган юз минглаб завод ва фабрикалар ҳавони ифлослантирмоқда. Айниқса, мазкур ҳолат Хитойда яққол кўзга ташланади. Бу мамлакатнинг йирик саноатлашган шаҳарлари осмонини заҳарли тутун ўраб олган.

«Лента» нашрининг ёзишича, Европанинг қатор давлатларига қийслаганда, Хитойда вазият нисбатан яхши экан. Копенгаген шаҳрида жойлашган Европа атроф-муҳит назорати агентлиги мутахассислари ҳар йили атмосфера ифлосланишидан тахминан ярим миллионга яқин киши нобуд бўлаётганини маълум қилди. Аниқ рақамларга мурожаат қилсак, 2013 йили 550 минг киши, 2014 йили 41 давлатдан 524 минг киши ифлосланиш қурбонига айланган. Олимлар бундай фалокатли йўқотишларга автомобиллардан чиқаётган тутун сабаб бўлаётганини таъкидламоқда.

Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги кунда ҳаводаги зарarli зарраларнинг ҳажми қарийб 2,5 микронга етган бўлиб, бу уларнинг инсон ўпкасига жойлашуви эҳтимолни ортганини аңглатади. Шунингдек, одамларнинг атроф-муҳит билан боглиқ касалликларга таъсирчанлиги 2013 ва 2015 йиллар оралиғида 85 дан 82 фоизгача пасайгани ҳам ташвишланарлидир.

Одина КУЛМУРОВА тайёрлади.

реклама • эълон • реклама

Мадридимова Улуғбек Абдухалиловичнинг 08.00.02 — «Макроқисодиёт» ихтисослиги бўйича «Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш сифатини ошириш йўллари» мавзусидаги (иқтисодиёт фанлари) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 17 ноябрь кuni соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй.
Тел/факс: (0-371) 237-53-25, 237-54-01; e-mail: info@bfa.uz

Ибрагимова Татьяна Людвиговичнинг 04.00.06 — Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари ихтисослиги бўйича «Ўзбекистон сейсмик фаол зоналарида сейсмик режим параметрлари ва ер ости сувлар гидрогеометрий кўрсаткичлари ўзгаришининг қонуниятлари» мавзусидаги (физика-математика фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли илмий кенгаши асосидаги бир марталик илмий кенгаининг 2017 йил 16 ноябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11-4-уй.
Тел/факс: (0-371) 256-13-49, 140-08-12; e-mail: info@gpniimr.uz

Гуранбаев Рўзимбай Уразбековичнинг 06.02.03 — Ҳусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси ихтисослиги бўйича «Қорақалпоқ тилига мансуб сур ранги қорақўла кўйларнинг маҳсудорлигини такомиллаштириш» мавзусидаги (қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ва Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017. Qx/V.12.02 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 21 ноябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй.
Тел/факс: (0-366) 234-33-20, 234-07-86; e-mail: sainfo@idu.uz

Уразова Раъно Ташпулатовичнинг 07.00.04 — Диниunosлик ихтисослиги бўйича «Зардуштийликда маъбудаларнинг функциялари ва ижтимоий-тарихий моҳияти» мавзусидаги (тарих фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент ислом университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tar/F.Fil.14.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 16 ноябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.
Тел/факс: (0-371) 244-96-53, 244-00-65; e-mail: tixab@mail.ru

Сафаров Акбар Раҳмановичнинг 01.01.01 — Математик анализ ихтисослиги бўйича «Табриқувчан интегралларнинг текис баҳолари ва уларнинг табиқлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Ph.D.27.06.2017.FM.02.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 17 ноябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хибони, 15-уй. Бош бино, 1-қavat, мажлислар зали.
Тел/факс: (0-366) 239-06-32, 239-12-29, 235-19-38; e-mail: rektor@samdu.uz

Абдуллаев Ойбек Абдуллазодиновичнинг 01.04.10 — Ярим ўтказкичлар ихтисослиги бўйича «Туташув эффеқтли структуралар асосида кичик кучланиш ли чеклагичларнинг электрофизикавий хусусиятлари» мавзусидаги (физика-математика фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 20 ноябрь кuni соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2-Б уй, Физика-техника институтининг мажлислар зали. Тел/факс: (0-371) 235-42-91; e-mail: lup@uzsci.net

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кафедраларида мавжуд куйидаги бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади:

Доцент лавозими:

1. «Коррекцион педагогика» кафедраси (1).
2. «Рус адабиёти ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси (1).
3. «Миллий ғоя ва маънавият асослари» кафедраси (1).
4. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси (1).
5. «Бошланғич таълим методикаси» кафедраси (1).
6. «Тиллар ва нуққ маданияти» кафедраси (0,5).

Катта ўқитувчи лавозими:

1. «Математика ўқитиш методикаси» кафедраси (0,5).
2. «Инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси» кафедраси (1).
3. «Рус тили ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси (0,75).
4. «Рус адабиёти ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси (1).
5. «Ўзбекистон тарихи ва тарих ўқитиш методикаси» кафедраси (1).
6. «Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси (0,75).
7. «Ахборот технологиялари» кафедраси (1).
8. «Тиллар ва нуққ маданияти» кафедраси (1).
9. «Бошланғич таълим методикаси» кафедраси (1).

Ўқитувчи лавозими:

1. «Информатика ўқитиш методикаси» кафедраси (1).
2. «Кимё ўқитиш методикаси» кафедраси (0,5).
3. «Зоология ва анатомия» кафедраси (1).
4. «Педагогика ва умумий психология» кафедраси (0,5).
5. «Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси (1).
6. «Мусика таълими» кафедраси (1).
7. «Тиллар ва нуққ маданияти» кафедраси (1).

Танловда иштирок этиш истагидаги фуқаролардан аризалар танлов ҳақидаги эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кун ичида куйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кадрлар бўлими.

Мурожаат учун телефон: (0-371) 255-68-70, 255-50-79.

Ҳажиев Икромбек Озодовичнинг 01.01.02 — Дифференциал тенгламалар ва математик физика ихтисослиги бўйича «Ҳусусий ҳосилали аралаш-тузилмалли турдаги тенгламаларга куййлаган нокоррект масалаларни тадқиқ этиш ва тақрибий ечиш» мавзусидаги (физика-математика фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ва Математика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM.01.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 16 ноябрь кuni соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел/факс: (0-371) 227-12-24, 246-53-21, 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz

Кўнгирак чалинар-чалинмас синфга жуда қаттиққўл, жаҳли тез, ҳамма синф ўқувчилари бирдай ҳайкиб турадиган география ўқитувчиси Азимов кириб келди. Қайсидир ўқувчининг бетартиблиги учун муаллимнинг дарров асаби бузилди. Устига-устак яна бир ўқувчи кечикиб келди. Баттар аччиқланган ўқитувчи синф сардори Мафтунани ўрнидан турғизди:

Жазо

— Бугун назорат иши олишимиз керак, лекин сизларга дафтарларни бермайман, журналга эса ҳаммага «2» баҳо қўяман. Лекин агар хоҳлансанг, битта ўзингни жазолайман. Синфдошларингга дафтарини бераман. Синф сардори бўлганинг учун бетартибликларга сен ҳам жавобгарсан...

Мафтунга бир оғиз «хўп» деб бошини эгди. Дафтарлар тарқатилгач, ўқитувчи назорат топшириқларини ёзув тахтасига ёзди. Ҳамма ўзи мустақил равишда топшириқларни бажаряпти. Синф сув қуйгандек жимжит. Фақатгина Мафтунга кўзлари билан ер чизиб жим ўтирибди. Бир вақт олдинги парталарнинг биридаги Анора ёнидаги Шоҳидага пичирлаб гапирди:

— Кел, Шоҳида, устоздан Мафтунани жазолашганини сўраймиз.

Шоҳида бироз ўйланиб жавоб берди:

— Агар унинг ўрнига бизни жазоласа-чи, кейин нима қиламиз?

Анора ҳам, Шоҳида ҳам бир-бирига қараб жим қолишди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора, ўғил болаларнинг эса парвойи палак. Мафтунга ҳали-ҳамон тик турибди. Дарс тугай деб қолди. Ўқитувчи Мафтунга дафтарини узатди.

— Сен шулар учун синфнинг бор жазосини ўзингга олдингми? Ёнингдаги дўстларинг номард ва кўрқоқ экан, сени бирортаси Ҳимоя қилмади.

Мафтунанинг кўзи ёшга тўлди. Лекин назорат ишини дарров бажарди. Мафтунга нега йиғлаганини баъзилар тушунмади. Ўқитувчи ўзини айбисиз жазолагани учунми ёки ростдан ҳам шунча пайтгача дўст деб ёрдам бераётган синфдошларининг худбинлиги учунми, билишмади. Анора ва Шоҳида ҳам журъатсизлигидан уялиб қолишди.

Маржона УМАРОВА,
Нурота туманидаги 3-мактабнинг
8-синф ўқувчиси

Сувобнинг Ўрломи

Эски ховли. Теварак-атрофи пахса девор билан ўралган боғ. Отам билан ҳар кунги ўша боғда ишлаймиз. Мактабдан келибоқ томорқага югураман. Отам кўрсатма бериб туради.

Узоқдан белкурак кўтарган кишининг овози эшитилди. У отамнинг исмини баралла айтиб келарди. Орқароқда елкасига кетмонини осиб олган киши — Қиссадан ҳисса уни қувиб келар, кексароқ шекилли, ҳар лаҳзада ўтириб дам олар ва яна қувишда давом этарди. Отам шошиб ўридан турди-да, девордан бўйинини чўзиб қаради. Қочиб келаётган киши бизга яқинлашиб қолди, отам уни таниди:

— Ҳа, Йўлдошбой, тинчликми?

— Тинчлик эмас-да отам, боғдеворнинг эшигини очинг. Мени қутқаринг! — деб Йўлдош ака кетидан келаётган чолга ишора қилди.

Отам дарров Йўлдош акани ичкарига киритиб, эшикни ёпди.

Қувиб келаётган киши:

— Ҳов кўрқоқ, чик буюкка! Уриш қандайлигини кўрсатиб қўяман сенга! — дея чиранса-да, отам уни ичкарига киритмасдан «қалқон» бўлиб туриб олди.

— Оч эшикни! — дея қўлидаги кетмонини боғдевордан туриб ўқталди. Отам гап нимадалигини тушунмас, аммо биродари Йўлдошбойни Ҳимоялаш мақсадида «душман»нинг талабини бажаришдан бош тортмоқда эди.

Воқеа аслида бундай бўлган экан. Маҳалладошимиз Машариф отанинг ўғли билан Йўлдошбой ака сув устида жанжаллашиб қолишибди. Йўлдошбой бир-икки мута кўпроқ туширган шекилли, Машариф ота газаб отига миниб, кетидан қувлаб келган.

Воқеанинг тубига етган отам таваллога ўтди:

— Машариф, қўй, улар ўзлари уришиб, келишиб олишади. Булар ёш болами? Ўғил уйлаб, киз чиқарадиган ёшдаги одамларнинг орасига тушганинг нимаси?

— Йўк, мен уни мажақлайман!!!

— Бу йигитни қара, — деди отам Йўлдош акани кўрсатиб, — девдек кучи бор. Ҳурматингни қилиб қочиб келган, сен шунга билмайсанми? Қадимгилар айтган-ку, катта кўприк бўлади, деб. Жанула эрк берма, жүра! Йигитнинг гуноҳидан ўт! Йўлдошбой, сен ҳам кечирим сўра отадан. Бориб ўғлидан уэр сўрасанг, Бориб ўғлидан уэр сўрасанг, кичрайиб қолмайсан.

Машариф ота толиқди шекилли, нафасини ростлаш учун ерга чўнкайди.

— Матқурбон, асли кўпни кўрган одамсан-да! — деди отахон бироздан кейин. — Мени жаҳлимдан туширдинг, сен орага тушмаганингда бу аҳмоқнинг додини бермоқчи эдим. Жаҳл чикса, ақл қочар экан-да! Ҳов бола, бу сафар Матқурбон орага тушди, хурмати бор, кечирдим, аммо-лекин кейинги сафар кўзингга қара!

Йўлдошбой ака «Хўп, ота, бошқа қайтарилмайди» деса бўладими! Ана мурсою ана мадора!

— Йўлдошбой иним, бор энди уйингга, — деди отам Машариф бобо кўздан узоклашгач. Жанжалингни йиғиштир. Томорқангни икки соат кейин суғорсанг, осмон узилиб ерга тушмайди!..

Бироздан сўнг:

— Одам ҳар кунги савоб иш қилиши керак, ўғлим, — дея отам чўкчи соқолини силлаб қўйди. — Арзимаган нарсага тортишиб қолган одамларнинг орасини ислоҳ қилиш ҳам савоб, болам!

Гарчи ўша давларда бу воқеанинг тарбиявий аҳамиятини унча англамаган бўлсам-да, ҳозир бунинг мағзини осон чақаман.

Болтабой МУҲАММАДҚУРБОН
Хоразм вилояти

Эртақлар оламида улғаяётган боланинг тасавури, фикр-уйи, табиати эртақ ўқимаган боланикиса сира ўхшамайди. Ҳаётнинг бойиши, тасавурнинг шакли, образ қилишларига жойлашиши, ҳатто, буй етгач талланадиган касб-кор болаликда ўқилган эртақларга боғлиқ. Эртақлар — катта ҳаётнинг митти кўприкчалари...



Митти кўприкчалар

Болалар учун турфа мавзулар, қизиққан-қизиқ эртақлар, шеър ва топшмоқлар ёзаётган ижодкор Очил Тоҳирнинг «Ғолиб хўроз» эртаги қақажон болажоннинг суюмли китобига айланиши, шубҳасиз. «Тарбиявий эртақлар» рукин остида чоп этилган ушбу мўъжаз эртақ китобида дўстлик, самимийлик, ҳамжихатлик, аҳиллик эътироф этилиб, ичкорулик, жоҳиллик, бир-бирига чоҳ қазिश қораланади. Хўрозвой ва унинг ўртоқлари ўртасидаги баҳс-мунозарада ҳаммиша камтарлик, тўғрилик ғолиб бўлиши болажонга шеърли мисралар, матн кўмагида кўрсатиб берилади.

Эндигина харф таниётган, ўқиш-ёзишни алифбондан ҳижжалаб ўрганишдан бошлаган сер-

савол болакайларга харфларни тез, осон ўрганишга кўмаклашиш учун Очил Тоҳир «Харфлар жамланмаси» китобини ёзди. Болалар учун харфлар кетма-кетлиги асосида шеърлар ва топшмоқлар жамланган китобча орқали ўқувчи алифбоддаги харфларни шеър шаклида ўрганади, хотирасига шеър оҳанги билан жойлайди. Ўқитувчилар эса алифбе байрамлари, турли тадбирлар, маърифий-маданий кечаларда ушбу матнлардан фойдаланишлари мумкин.

Шу йили чоп этилган икки китобча ўқувчининг, эндигина харф ўрганаётган боланинг саводини чиқаришда беминнат ёрдамчидир.

Чарос НИЗОМИДИНОВА

ҚАТРАЛАР

Қозикнинг болға билан уриладиган боши ерга қоқилган қисмига шикоят қилди: «Қозикнинг боши бўлиш нақадар оғир эканини билмайсан-да...». Қозикнинг ер тағидаги ярми деди: «Қоқишдан олдинги йўнилиш азобини сен ҳам билмайсан...».

Алқисса, ҳеч кимса ғам-ташвишсиз яратилмаган.

Оппоқ қор бурчакка уюб қўйилган тошқўмирга деди:

— Бунча қора бўлмасанг. Ёнингга яқинлашиб бўлмайди-я. Болалар менинг атрофимда қорбўрон ўйнашаётганини кўр. Ойларни чакривса ҳам кетгилари келмайди. Ҳамма ўзини сендан олиб қочса керак.

— Адашдинг.

Одамлар сенинг совуғингда музлаб уйга исингани кирганларида уларни печкада қизил чўғ бўлиб кутиб оламан. Ўша қорбўрон ўйнаган болалар атрофимда исиниб «Ох, бирам мазза-я», деб роҳатланганида қоралигимни ҳам унутаман. Одамларга фойданг тегиши қанчалар яхшилигини билсанг эди...

Қор тошқўмирга ўйламай гапиргани учун хижолат бўлибди.

Сервантдаги чинни идишлар ичида бошқаларни писанд қилмайдиган антиқа гулли чойнак ҳам жой олганди. Бу қимматбаҳо чойнак ҳеч қачон дастурхонга қўйилмас, нодир буюм сифатида қадрланарди.

У хар гал меҳмондорчиликдан сўнг хизматда бўлган идишлар ўз жойларига қайтганда уларга раҳми келган-



дек ясама меҳрибонлик билан деркан:

— Вой-буй, пиёлага эгилавериб жуда хориган кўринасизлар. Кўп ювилавериб рангларингиз ҳам ўзгариб бормоқда. Бу кетишда ҳадемай ошхонадаги эски идишлар ёнидан жой оласизлар.

Чойнақлар эса унинг гапига эътибор бермай, меҳмондорчиликда кўрган-эшитганларидан суҳбатлашиб ўтиришни маъқул қўришаркан.

Бир кунги уй бекаси ишлатилмаганидан чанг босган чойнакни ювиб-артиб жойига қўймоқчи бўлганида беҳосдан қўлидан тушиб синибди. Бека унга ачинса-да, чиқинди солинадиган челақка ташлашга мажбур бўлибди.

Буни кўрган бошқа чойнақлар унга ичлари ачиб:

— Эҳ, бечора, дунёга нима учун келганини ҳам билмай ўтди-я. Энди унинг ўрни ошхонадаги эски чойнақлар ёнида ҳам бўлмайди, — дейишибди афсус билан.

Ҳидоят ОЛИМОВА

2017-yil 8-noyabr, № 89 (9050)

Нодирбекнинг ютуғини жаҳон тан олмақда

Ўтган ҳафта жаҳоннинг етакчи шахмат сайтларида энг кўп муҳокама қилинган мавзу — 13 яшар Нодирбек Абдусатторовнинг халқаро гротсмейстер даражасига эришгани бўлди. Улардан айримларининг сарлавҳаларини келтирамиз:

- > «Un uzbeko se acerca a Karjakin» (www.jit.cu);
- > «2nd Youngest Chess Grandmaster in History» (www.youtube.com);
- > «13-летний Нодирбек Абдусатторов едва не побил рекорд Карякина» (www.chess.com);
- > «Abdusattorov second youngest GM ever» (ChessBase);

- > «IM Nodirbek Abdusattorov (12 jaar) komt op tweede plaats 'jongste grootmeester ooit'» (www.schaaksite.nl);
- > «GM-elect Abdusattorov Nodirbek at 13 yrs, 1 mo, 11 days» (www.themaven.net);
- > «13-year-old Nodirbek Abdusattorov played on to bare kings as he became

Xushxabar

the 2nd youngest GM in history!» (chess24.com);

- > «Los nuevos prodigios del ajedrez» (www.proceso.com.mx);
- > «Nuevo GM con 13 Anos Vence a Magnus Carlsen!» (www.ichess.es);
- > «El segundo gran maestro mas joven de la historia: 13 anos, un mes y 11 dias» (abcblogs.abc.es);
- > «Nodirbek Abdusattorov o 2º mais jovem Grande Mestre Internacional» (clubbedadrezafansino.blogspot.com).

Истеъодли шахматчимизнинг бу оламшумул натижасини Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) ҳам эътироф этди ҳамда FIDE президенти Кирсан Илюмжинов ёш гротсмейстерга мактуб йўллади:

Нодирбек Абдусатторовга! Азизим Нодирбек!

Сени учинчи бор шахмат бўйича гротсмейстерлик талабини бажарганинг билан табриклайман. Меҳнатсеварлигинг, кучли иштиёқинг, ғалабага қатъият билан интилишинг туйғайли баланд марраларга эришинг. Сенинг ҳаётини интилишларингга ҳар ким ҳавас қилса арайдди. Айни дамда шахмат тарихида иккинчи энг ёш гротсмейстер ҳамда тенгдошларинг орасида рейтинг бўйича биринчи рақамли шахматчи бўлиб

турибсан! Ишончим комил, жаҳон чемпиони унвонига эришишга ҳам қурбинг етади!

Бугун сени ўрнатган рекординг билан чин қалбимдан табриклайман. Ҳамиша ғалаба қозонишга қатъий ишончнинг сўнмаслигини, олдинга янги мақсадлар қўйишингни ҳамда маҳоратинг ва юксак руҳий қудратингни намоён қилиб, дадиллик билан янги марраларни забт этишингни тилайман! Ўз ғалабаларинг билан шонли халқингга муносиб фарзанд эканингни исботладинг!

Ўзбекистон — бой шахмат аънчаларига эга ва Rustam Qosimjonovni — жаҳон чемпиони тарбиялаган кам сонли давлатлардан биридир. Бугун республикада шахмат тараққий этаётганидан, мамлакат шахмат федерацияси эса нафақат Осиё минтақасида, балки бутун дунёда айниқса жадал ривожланаётган федерациялардан бири эканидан хурсандман.

Ота-онанг, мураббийларинг, шахмат федерацияси, Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукумати, ҳомийларга шундай юксак ва доврўқли ғалабаларга эришингизга кўрсатган ёрдами ва мадади учун миннатдорлик билдириб, уларни ҳам шундай улкан муваффақият билан табриклашни истардим!

Сенга муваффақиятлар ёр бўлсин, ёш дўстим! Сен — мамлакатинг, яқинларинг ва дўстларингнинг фахри ва гурури, сенга ишонган ватандошларингнинг порлоқ умидисан! Юксак парвоз, чиройли партиялар ва шахмат тахтаси узра кўтаринки руҳ сени асло тарк этмасин!

Эътиром ила FIDE Президенти
К. Илюмжинов

Чилонзор туманидаги умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг туман босқичи ўтказилди.



Туман босқичига чиққан ўқувчилар мактаби шарафини ҳимоя қилди

Чилонзор тумани БЎСМ ҳамда 79-, 101-, 138-, 162-, 281-мактаб спорт майдончаларида ташкил этилган беллашувларда 30 та таълим муассасаси жамоалари энгил атлетика, мини футбол, бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, шахмат, шашка бўйича ўзаро куч синашди.

— Мусобақанинг туман босқичини янги барпо этилган спорт иншоотлари, майдонларида ўтказишга алоҳида эътибор қаратдик, — дейди туман ХТБ жисмоний тарбия методист-ўқитувчиси Шуҳрат Сатторов. — Бешта ҳудудий гуруҳга бўлинган иштирокчилар ўз имкониятларини тўла намоён этиши ва ҳар бир баҳс адолатли ўтишини таъминлаш учун барча шароитлар яратилди, спорт заллари ва майдончаларига зарур инвентарлар етказилди. Ҳакамлар ҳайъати таркибига жалб этилган «Ёшлик» ЖТСЖ ту-

ман бўлинмаси мутахассислари, малакали тренер-ўқитувчилар натижаларни белгиланган мезонлар асосида ҳолисона баҳолаб борди. Энг муносиб ўғил-қизлар «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг туман босқичида ғолибликни қўлга киритди.

Спорт фестивали якунига кўра, 138-мактаб жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. 280- ва 163-мактаб ўқувчилари кучли ушликни тўлдирди. Ғолибликни қўлга киритган жамоалар ҳамда ўқувчилар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди. Эслатиб ўтамиз, «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари бошланғич синфлар учун туман босқичи билан ниҳояланади.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.



Хусан НИШОНОВ

«Интизор»

Сўз ва саз сеҳридан яралган санъат асари инсон қалбининг нозик торларини чертади, айниқса, муҳим адабиётимиз намуналари куйга солиса, унинг жозибаво таъсири янада ортади.

Кейинги пайтларда бир қанча истеъодли хонандаларимизнинг Алишер Навоий, Бобур, Оғаҳий, Махтумқули ғазалларига куй басталаб, ихро этаётгани санъатсевар халқимизга манзур бўлмоқда. Истеъодли хонанда Баҳром Назаров «Интизор» деб номланган концерт дастурида ҳам шундай куй-қўшиқларни ўз муҳлисига тақдим этиш истағида. Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида хонанда яқин кунларда бўлиб ўтадиган концерт дастури ва иходий режалари билан ўртоқлашди.

лаштирганмиз, — дейди Баҳром Назаров. — Репертуаримиздан Оғаҳийнинг «Интизор» ғазали, Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон — Ватаним маним» шеъри асосида яратилган қўшиқлар ўрин олган. Шунингдек, ёш ижодкорларимизнинг она, аёл, муҳаббат мавзуларидаги шеърларидан ҳам фойдаландик.

Очик мулоқот тарзида кечган анжуманда қўшиқчилик санъатининг бугуни ҳақида ҳам сўз борди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Сардор МУСТАФОЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Суғурта хизматлари такомиллашмоқда

«Ноқулай об-ҳаво натижасида шакстланган автомобилга қанча вақт ичиде суғурта хизмати кўрсатилади?», «Аҳолининг суғурта компаниясига бўлган ишончини ошириш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?», «Узагросуғурта» АЖ қайси нуфузли халқаро суғурта ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган?».

Миллий матбуот марказида «Узагросуғурта» акционерлик жамияти томонидан ўтказилган тадбирда шу каби саволларга ойдинлик киритилди. Соҳа мутахассислари бугунги кунда республика бўйича 188 ҳудудий бўлимига, 525 шохобча ҳамда 12 марказ аҳолига юздан ортқ суғурта хизмати кўрсатаётганини таъкидлади.

— Бу йил мижозлар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида «Бунёдкор», «Тежамкор», «Тадбиркор», «Манфааткор» ва би суғурта полислари иш-

лаб чиқилиб, амалиётга кенг татбиқ этилди, — дейди «Узагросуғурта» АЖ бошқаруви юридик департамент бошлиғи Илҳом Эшонқулов. — Ўтган 9 ой мобайнида мижозларга 6,5 миллиард сўмлик суғурта товоғлари тўланиб, аҳолининг мулкий манфаатлари ҳимоя қилинди. Ёш авлоднинг суғурта бўйича билимини ошириш бўйича ҳам тарғибот тадбирлари мунтазам ўтказилляпти.

Хусан МЎМИНОВ,
«Ma'rifat» муҳбири



Қадрли кимёгар ўқитувчилар!

Журналга ошно бўлсангиз:

— Она заминимизда учрайдиган қимматбаҳо элементлар, ўсимлик ва озуқаларнинг кимёвий хусусиятлари, жаҳон ва ўзбек кимёгарларининг фан ривожига қўшган ва қўшаётган ҳиссаси;

— маҳоратли фан ўқитувчиларининг илгор иш услублари, дарс ишланмалари, ноавъанавий тўғарак машғулотларини ташкил этиш борасидаги лаборатория машғулотларини ўтказиш тажрибасидан хабардор бўласиз.

“Maktabda kimyo” журнаliga абуна бўлишга шовилинг!

Маълумот учун:
Тел.: (+99890) 327-89-63
E-mail: mkimyo09@mail.ru

Обуна нарҳи: 1190



Ҳурматли биолог муаллимлар!

Журнал саҳифаларида юртимизда фаолият олиб бораётган фан ўқитувчиларининг илгор иш услублари, дарс ишланмалари, тўғарак машғулотларини қизиқарли ва мазмунли ўтказишга хизмат қилувчи, интерфаол ўйинларга асосланган методик материаллари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва ўқув-лаборатория анжомларини ўқитиш жараёнига самарали татбиқ этиш борасидаги тажрибалари бериб борилмоқда.



“Maktabda biologiya” журнаliga абуна бўлишга шовилинг!

Маълумот учун:
Тел.: (+99899) 838-41-19
E-mail: m-biologiya@mail.ru

Обуна нарҳи: 1190



Азиз география фани жонқуярлари!

Фан ва унинг таълимига оид энг сўнги янгиликлар, илгор ўқитувчиларнинг дарсларни замонавий АКТ ва мультимедиа воситалари ёрдамида самарали ташкил этишга доир тажрибалари, тўғарак машғулотларини ўтишга оид тавсиялари, интерфаол ўйинларга асосланган методик материалларидан воқиф бўлай десангиз:

“Maktabda geografiya” журнаliga абуна бўлишга шовилинг!

Маълумот учун:
Тел.: (+99890) 999-00-89
E-mail: m-geografiya@mail.ru

Обуна нарҳи: 1190

Обунани “Мағбуот тарқатувчи”, “Ўзбекистон почтаси” АҚнинг жойлардаги бўлимларида ҳамда абуна жараёнини ташкил этаётган бошқа ҳаткор ташкилотлар ёрдамида амалга оширишингиз мумкин.

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Воқеабанд ўйинлар

бола нутқини ривожлантиради

Олмазор туманидаги 182-мактабгача таълим муассасасида “Воқеабанд ўйин орқали бола нутқини ривожлантириш” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда туман халқ таълими бўлими услубчилари, МТМ тарбиячилари ҳамда “Замонавий педагогик технологияни татбиқ этиш” услубий бирлашмаси аъзолари иштирок этди.

— Болаларни турли касбга қизиқтириш ҳамда уларнинг нутқини ривожлантиришда воқеабанд ўйинлар муҳим аҳамиятга эга, — дейди 182-МТМ мудираси Дилфуза Мусаева. — Мазкур семинар-тренингда мактабга тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Сайёра Қорабоева тарбияланувчиларни ошпазлик касби билан таништирди. Жараёнда ўйин орқали болаларнинг оғзаки нутқини

ни тўғри ривожлантириш усуллари кўрсатиб берилди. Машғулот давомида тарбияланувчиларнинг ўзини эркин тутиши, мустақил фикрлаши, воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқариши яққол намоён бўлди. Асосийси, педагог мавзуга оид мантикий ўйин, шеър, кўшиқ, ривоят, слайдлардан унумли фойдалана олди.

Семинар-тренинг сўнгида фикр ва мулоҳазалар тингланиб, тарбиячиларга болаларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришга оид тавсиялар берилди.

Гүлюз ОРИФЖОНОВА,
“Ma'rifat” муҳбири
Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС

ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, фан ва madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бoш муharrир Husan NISHONOV

Gazeta Ўzбекистон Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. Г-1115. Tiraji 33822.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi А-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqриз
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

ЎzА yakuni — 21.37 Topshirildi — 23.30

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Sanobar JUMANOVA.
Navbatchi:
Faxriddin RAHIMOV.

12 456